БУГУНГИ СОНДА:

Манфаатли шерикчилик ва яхши қўшничилик муносабатлари 3



Эммануэл Макрон - Франция президентлиги сайлови биринчи босқичи ғолиби 6



Муқаддас Қуръоннинг Миллий кутубхонадаги нусхалари 8

# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 17 (20021) 2017 йил 27 апрел.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ЖОЗЕФ Л. ВОТЕЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**25 апрел куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Америка Қўшма Штатлари Марказий қўмондонлик қўмондони генерал Жозеф Л.Вотелни қабул қилди.**

Мулоқот жараёнида минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида биргаликда ҳисса қўшиш мақсадлари бирлаштириб турадиган Тожикистон ва Американинг ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорликлари бугунги ҳолати ва келгусидаги истиқболлари муҳокама этилди.

Тожикистон ҳарбий ташкилотларининг Америка билан "Халқаро молиявий қўллаб-қувватлаш", "Глобал тинчлик ташаббуси", "Ҳарбий таълим", "Халқаро терроризм ва наркотик моддалар ноқонуний айланишига қарши курашиш" дастурлари ва Тожикистон Республикасида терроризм ва наркотик моддаларга қарши курашиш миллий таълим маркази фаолияти доирасидаги ҳамкорликлардан қониқиш изҳор этилиб, ҳар икки томон ҳам бу борадаги ҳамкорликларни янада кенгайтиришга тайёр эканликларини билдиришди.

Томонлар, шунингдек, Тожикистоннинг Афғонистон Ислом Республикаси билан давлат чегараларидаги чегара қўшинлари иқтидори ва салоҳиятини халқаро терроризм ва экстремизм хатарларининг кучайиши ва жиноятчи гуруҳлар фаоллашувини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш борасидаги ҳамкорликларни кенгайтириш юзасидан ўзларининг фойдали фикру мулоҳазаларини таъкидлаб ўтишди.

Мулоқотда томонлар диққат марказидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

*"Ховар" ТМАА.*



# ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

**24 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Украина Президенти Пётр Порошенко номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

- «Ҳурматли Пётр Алексеевич!

Тожикистон Республикаси ва Украина ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Сизга ва барча Украина халқига ўзимнинг самимий табригимни йўллаяпман.

Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги яхши алоқалар анъаналарига таянган ҳолда, икки томонлама ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини давом эттириб келаётгани қувонарлидир.

Биз Тожикистон-Украина кўп қиррали ҳамкорликлари истиқболларига умид билан қараймиз ва биргаликда икки мамлакат тараққиёти ҳамда халқларимиз учун яхши турмуш шароитини таъминлаш борасидаги босқични янада кенгайтиришга ишонамиз.

Сизга, ҳурматли Пётр Алексеевич, соғлиқ-саломатлик, янгидан-янги муваффақият ҳамда дўст Украина халқига эса, чексиз зафарлар тилайман».

***

**Украина Президенти Пётр Порошенко ҳам Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

- «Ҳурматли Эмомали Шарифович!

Украина ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан менинг самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Украина ва Тожикистоннинг босиб ўтган чорак асрлик йўлига назар солар эканман, мамлакатларимиз ўртасида ташқи сиёсатнинг кўпгина масалалари доирасида доим бир-бирини тушунишлик бўлганлиги ва икки томонлама ҳамкорликларимиз неча асрлик дўстлик ва ҳурмат анъаналари асосида фаол тараққий этганлигини қониқиш билан таъкидламоқчиман.

Украина бундан кейин ҳам икки мамлакат ўртасидаги ўзаро шерикчилик тамойиллари ва миллий манфаатларини ҳурмат қилиш асосида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги давлатлараро муносабатларни самарали ривожлантириш учун барча зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёр.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Эмомали Шарифович, мустаҳкам соғлиқ, иш фаолиятингизда муваффақият, дўст Тожикистон халқига эса, фаровонлик тилайман».

*«Ховар» ТМАА.*

## ОРТИБ БОРАЁТГАН КЎНГИЛЛИЛАР САФИ

Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари сафига баҳорги даъват мавсумининг бошланиши билан Хатлон вилояти Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳияси ҳарбий комиссариатида кўплаб кўнгиллилар ҳозир бўлишмоқда. Ноҳия ҳарбий комиссариати вакили Файзали Холовнинг билдиришича, даъватнинг биринчи кунида 35 нафар ёшлар ўз ихтиёрлари билан ҳарбий хизматни ўташ учун келган. Уларни тантанали кузатиш маросимида Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳияси раиси ўринбосари, уруш ва меҳнат фахрийлари, 03-07 ҳарбий қисм аскарлари ва ота-оналар иштирок этган. Таъкидланишича, ноҳия ҳукумати номига охирги йилларда ноҳия ёшларининг ҳарбий қисмларда садоқатли хизматни ўтаётганликлари учун жуда кўп миннатдорчилик мактублари келмоқда. Бу эса, ноҳия аҳолиси ва ота-оналар қувончига сабаб бўлаётир.



## ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЯДИ

Тожикистон ва Буюк Британия давлатлараро ҳамкорликлари бугунги ҳолати ва келгусидаги истиқболлари Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси раиси ўринбосари Акрамшо Фелалиев ва Буюк Британия Ижтимоий молиялаштириш ташкилоти халқаро маслаҳатчиси хоним Гопи Шах ўртасидаги мулоқотда муҳокама этилди.



Акрамшо Фелалиев Тожикистон "Тоза сув халқаро йили", 2005-2015 йиллар-"Сув ҳаёт учун" халқаро амалиёт ўн йиллиги, "Сув соҳасидаги ҳамкорликлар халқаро йили" ва 2018-2028 йиллар - "Сув устувор тараққиёт учун" халқаро амалиёт ўн йиллигининг эълон қилиниши ташаббусчиларидан бири эканлиги, чунончи, мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кун тартибидаги сув масалаларини ҳаётга татбиқ этиш ва уларни зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали ҳал этишга тайёр эканлигини билдирди.

Мулоқотда, шунингдек, давлатлараро алоқалардан қониқиш билдирилиб, юқори даражали сиёсий сўзлашувларнинг мунтазам олиб борилиши турли соҳалардаги ҳамкорликларнинг кенгайишига хизмат қилиши таъкидланди.

**Миллий армия сафларида хизмат қилиш нафақат фарзандлик бурчи, балки фахр ва улкан шарафдир. Ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун жасорат, матонат, дўстлик, ўзликни англаш ва ватанпарварлик мактаби сифатида хизмат қилади.**

*Эмомали РАҲМОН.*

## СОҲИЛ МУСТАҲКАМЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва "Фароз" ёпиқ ҳиссадорлик жамияти қўллаб-қувватлашида Кўлоб шаҳри Кўлоб қишлоқ жамоати ҳудудидан ўтувчи Тебалай сойи қуйи қисмидаги 1000 метрлик масофада айни пайтда соҳил мустаҳкамлаш ишлари давом этмоқда.

Кўлоб қишлоқ жамоати раиси Хуршед Ашурмадовга кўра, 2010 йил худди мана шу жойда тўсиқ очилиб кетиб, жамоат аҳолисининг ўнлаб уйлари ва юзлаб гектар ерларига зарар етказган эди. Ёғингарчилик кунларини эсон-омон ортда қолдириш ва табиий офатлардан хатарли мавзеларни эҳтиёт қилиш борасида фавқулодда ҳолатлар комиссияси ташкил этиган бўлиб, унинг фаолияти йигирма тўрт соатлик навбатчилик ва зарур техникаларни сафарбар этиш билан йўлга қўйилган.



## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ФРАНЦИЯГА ЖЎНАТИЛАДИ

Франциянинг Тожикистондаги элчихонаси француз тилида таълим оладиган таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида танлов эълон қилиб, энг яхши ўнталикни таътил вақтида Франция Республикасига жўнатишни ният қилган. Бу ва бошқа масалалар Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазири Нуриддин Саид ва Франция Республикасининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси хоним Ясмин Гуедар ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда муҳокама этилди.



Мамлакат Маориф ва илм вазирлигининг хабарига кўра, Тожикистон ва Франция ўртасидаги маориф ва илм соҳасидаги ҳамкорликлар 2003 йилда Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган маданият ва илмий-техник соҳаларда ҳамкорликлар тўғрисидаги келишув асосида йўлга қўйилган.



# МАМЛАКАТИМИЗ ҲАФТА ИЧИДА

## ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Наркотикларни назорат қилиш агентлигининг Суғд вилоятидаги бошқармаси ходимлари мамлакат Ички ишлар вазирлигининг Суғд вилоятидаги бошқармаси Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими билан биргаликда Хўжанд шаҳридаги Касб-ҳунар лицейи ўқитувчи ва талабалари билан учрашув ташкил этди. Учрашувда нашавандликнинг республика ва вилоят миқёсидаги умумий ҳолати, ўсмирлар ва ёшларнинг жиноят содир этишлари асосий омиллари, нашавандлик вабоси хусусиятлари ва унга қарши курашиш йўллари муҳокама этилди. Маърузачилар, шунингдек, янги замон таҳдидларининг даҳшат ва хавфи, жумладан, халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг шаклланиши, ёшларнинг ўйламасдан бузғунчи ва мазҳабий ташкилотларга қўшилиб кетишлари борасида сўз юритиб, учрашув қатнашчиларини касб-ҳунар эгаси бўлиш, мустақил ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга ҳидоят этдилар.



## АСОСИЙ МАҚСАД - ХАЛҚ ТИНЧЛИГИ

25 апрел куни "Шаҳри бехатар" - транспорт соҳасида автоматик бошқариш тизими марказида Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари Маҳмадсаид Саидзода ва Хитой Халқ Республикаси Жамоатчилик хавфсизлиги вазирлигининг Халқаро ҳамкорликлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дуан Датси бошчилигида икки мамлакат вазирликлари вакилларини учрашуви бўлиб ўтди.



Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг хабарига кўра, учрашув иштирокчилари икки мамлакат давлат ва вазирликлари раҳбарлари томонидан имзоланган келишув ва меморандумлар доирасида терроризм, экстремизм, сепаратизм ва янги замон бошқа хатарларига қарши курашиш масалаларида ҳамкорлик қилиш, кадрлар тайёрлаш, тажриба алмашиш, ахборот ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги муносабатлар масаласини муҳокама этган.

Томонлар, шунингдек, мамлакатлар тинчлигини таъминлаш ва ҳар хил номақбул амаллар олдини олишда Тожикистон Республикаси Ички ишлар ва Хитой Халқ Республикасининг Жамоатчилик хавфсизлиги вазирликлари ўртасидаги самарали ҳамкорликларни кенгайтиришга тайёр эканликларини билдиришган.

## АФРИКА КУБОГИДАН ОЛТИН МЕДАЛ БИЛАН

Ёш дзюдочи Сомон Маҳмадбеков Тунис шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги дзюдо бўйича Африка кубоги (Tunis Cadets African Cup 2017) мусобақасида олтин медални қўлга киритди. Мазкур мусобақа 22-23 апрел кунлари бўлиб ўтди. Сомон 66 килограмм вазн тоифасида Алжазоир, Беларус ва тунислик рақибларидан қўли устун келиб, шоҳсупага кўтарилди.



Сомон Маҳмадбеков айни пайтда Россияда истиқомат қилишига қарамай, Тожикистон номидан халқаро мусобақаларда чиқиш қилади. Унинг Тунисдаги ғалабаси шарафига Тожикистон давлат байроғи кўтарилиб, миллий мадҳиямиз янгради. Тунисда ўтказилган Африка кубоги мусобақасида Африка, Европа ва Осиё қитъалари мамлакатларидан ташриф буюрган 70 нафардан ортиқ курашчи иштирок этди.

*ОАВ асосида З. Умаров тайёрлади.*

# ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

**24 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Мўғулистон Президенти Тсахиагийн Элбегдорж номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

-«Жаноби олийлари!

Мамнуният ила Сизни Тожикистон Республикаси ва Мўғулистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан табрик ва муборакбод этаман.

Биз ўтган давр орасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мамлакатларимиз ўртасида бир-бирини англаш, ўзаро ишонч ва эҳтиром фазосида пайдо бўлган икки ва кўп томонлама ҳамкорликлар заминасида кўп қиррали яхши муносабатлар шаклланганидан қаноат ҳосил қиламиз.

Қулай фурсатдан фойдаланиб, икки дўст мамлакатнинг яхши алоқалари келажакда ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида бундан-да тез суръатларда тараққий этишига ишонч билдираман.

Сизга, Президент жаноблари, саломатлик, янгидан янги ютуқлар ва Мўғулистоннинг дўст халқига эса, тинчлик, хотиржамлик ҳамда бундан-да тараққиёт ва гуллаб-яшнашни тилайман».

***

**Мўғулистон Президенти Тсахиагийн Элбегдорж ҳам ўз навбатида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

-«Жаноби олийлари, Президент жаноблари!

Сиз ва дўст Тожикистон халқини Мўғулистон халқи ва шахсан ўзим номимдан Мўғулистон ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўтган давр мобайнида икки томоннинг ҳаракатлари ортидан икки томонлама ва Мўғулистон-Тожикистон ҳамкорликлари муваффақиятли тараққий этаётгани қувонарлидир. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар кейинги йилларда ҳам нафақат икки томонлама, балки халқаро ва минтақавий даражада ҳам такомиллашиб, кенгайишига умид билдираман.

Ҳурматли Президент жаноблари, Сизга саломатлик, муваффақият ва барча Тожикистон халқига гуллаб-яшнашни тилаб қолишга ижозат бергайсиз».

*«Ховар» ТМАА.*

---

Давра столи

# ВАҲДАТИМИЗ - БОҚИЙ, ТИНЧЛИГИМИЗ - УСТУВОР!

**25 апрел куни Россия-Тожикистон славян университетида Тожикистоннинг бирлик ва милллий тотувликка эришган куннинг 20 йиллигига бағишланган "Минтақа хавфсизлиги масалаларида Тожикистон-Россия муносабатлари муҳим омил сифатида: тарих ва бугунги кун" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**




Йиғилиш ташкилотчилари Россия-Тожикистон славян университети, Россиянинг Урал Федерал университети ва "Урал Евразия" нотижорат ташкилотидир.

Давра суҳбатида муҳокама қилинган асосий масалалар: "МДҲ давлатларининг халқаро муносабатларида Тожикистондаги фуқаролар уруши тажрибаси", "Диний экстремистик гуруҳларга қарши курашда Тожикистон тажрибаси Россия учун", "Минтақа хавфсизлигида Тожикистон-Россия ҳарбий ҳамкорлиги", шунингдек, "Тожикистон ва Свердлов вилояти ўртасида маориф соҳасидаги ҳамкорлик" мавзулари юзасидан маърузалар тингланди.

"Тожикистонда бирлик ва миллий тотувлик келишувида Евгений Примаковнинг ҳиссаси" мавзусида РПСУ, тарих ва халқаро муносабатлар кафедраси мудири, профессор, Раҳматулло Абдулвоҳидов қисқача нутқ сўзлаб, ўтган асрнинг 90-йилларида Россия Ташқи ишлар вазирлигини бошқарган Е.Примаковнинг мамлакатимизда тинчликни барқарор қилишдаги заҳматлари ҳақида тўхталиб ўтди.

"Урал Федерал университети мисолида Тожикистон-Россия ўртасидаги инсонпарварона ҳамкорликлар" мавзусида Урал Федерал университетининг халқаро муносабатлар факултети декани Александр Бурнасов сўзга чиқиб, Свердлов вилояти билан Тожикистон ўртасидаги муносабатлар айниқса, тожик студентларининг бу олий ўқув юртидаги фаолликлари ҳақида гапириб, ҳозирги кунда юртимизнинг 500дан ортиқ талабалари ушбу университетда таълим олаётганлиги ва келгусида бу кўрсаткични янада кўпайтириш ҳақида тўхталди.

"Тожикистон Республикасида ҳарбий хавфсизликни таъминлашда Россиянинг 201-ҳарбий базасининг ҳиссаси" мавзусида ушбу базанинг ветеранлар жамоаси раиси Абдурашид Раҳмоновнинг нутқи тингланди.

201-ҳарбий базасининг ҳарбий ҳаво кучлари захирадаги офицери майор, А.Раҳмонов ҳарбий дивизиянинг Тожикистондаги фуқаролар уруши давридаги хизматлари ҳақида тўхталиб, муҳим стратегик иншоотларни қўриқлашда, шунингдек, Тожик-Афғон чегараси хавфсизлигини таъминлашдаги фидокорликларини ажиб бир ҳаяжон билан сўзлаб берди.

РТСУнинг ҳуқуқшунослик факултети жиноий ҳуқуқ кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, Валижон Абдуҳамитов "Диний экстремистик радикалларга қарши курашда Тожикистон тажрибаси" мавзусида давра қатнашчиларига экстремистик-радикал гуруҳларнинг асл мақсадлари ва уларнинг фаолиятини йўқ қилиш усуллари юзасидан мамлакатда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, олийгоҳнинг халқаро алоқалар иши бўйича проректори, Умед Мансуров "Тожикистонда бирлик ва миллий тотувлик келишувининг ҳуқуқий фазоси" мавзусида маъруза қилиб, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг бугунги кундаги самаралари ҳақида тўхталди.

Давра суҳбати докладчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Суҳбат юқори савияда, кўтаринкилик билан ўтди.

*Ҳайтали БОЕВ,*
*"Халқ овози".*

---

√ Ахборот

## БИТИРУВЧИЛАР ИШТИЁҚИ

Айни пайтда 2017-2018 ўқув йиллари учун мамлакат университет ва институтларига Марказлаштирилган кириш имтиҳонлари орқали абитуриентларни қайдга олиш босқичи Хатлон вилоятининг барча шаҳру ноҳияларида қизғин давом этмоқда. Бу борада давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органидан хабар берилди.



Манбанинг маълумотига кўра, жорий йилнинг 20 апрелига қадар 38 минг 639 нафар абитуриентлар Марказлаштирилган кириш имтиҳонларида қатнашиш учун ўзларини қайддан ўтказишган. Бу эса, вилоят битирувчиларининг 77,4 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, таъкидланишича, бу йил Хатлон вилояти таълим муассасаларини 49 минг 898 нафар ўқувчилар битиради.

## "ETHNO-JAZZ" ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

28 апрел куни соат 18:00да С.Айний номидаги Давлат опера ва балет академик театрида "Ethno-jazz" халқаро мусиқа бешинчи фестивали очилади. Тожикистон Республикаси Маданият вазирлигидан хабар беришларича, мазкур фестивалдан мақсад ушбу касбий мусиқани тарғиб ва ташвиқ этиш бўлиб, Тожикистон Республикаси Маданият вазирлигининг қўллаб-қувватлашида "Бохтар" маданий маркази ва Т.Сатторов номидаги Тожикистон Миллий консерваторияси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Унда Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Швейцария, Германия, АҚШ ва Туркиядан бўлган таниқли санъаткорлар иштирок этишлари назарда тутилган.

*Ўз мухбир.*

---

НУҚТАИ НАЗАР

# ҲАР КИМНИНГ ЎЗ КЎЗИ ВА ЎЗ СЎЗИ БЎЛСИН

## Ёки нега баъзи мамлакатлар Тожикистон воқеаларига ТИТП "кўзи" билан қарайди?

Халқимизда, "отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди", деган ибратли нақл бор. Фаолияти тақиқланган террорчи Тожикистон Ислом тикланиш партиясининг аъзосиман, деб юрган раҳбарлари ва манқуртларнинг амалларидан юқоридаги нақлнинг нечоғлик тўғри эканлигини англаш мумкин. Бугун ТИТПнинг қочқин раҳбарлари турли янги ҳийлалар, жумладан, ўзларини бечора-ю бенаво кўрсатиб, шиорлар билан интернет тармоқлари орқали ўзларини тарғибу ташвиқ этиш ва бошқа усуллардан фойдаланиб, бу борада, аввало, маълум бир "меҳрибон ва ҳамзабон" мамлакатларга суянаётганликлари барчага ошкор бўлиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу террорчи ташкилотнинг "алломa"лари мазкур мамлакатларнинг исломий моделларига эргашиб юрардилар. Бугун ҳам сиёсий исломни қудрат тепасига олиб келиш "меросхўрлар"нинг "мушкул орзуси"лигича қолмоқда. "Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек", ҳақиқатни ҳам инкор этиб бўлмайди. "Биродар"ларимиз ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида наҳзатчилар тожикистонликларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаб, "плюралистик" ақидалар баҳонасида уларнинг баъзиларини ўлдириб, қочқин бўлишига сабаб бўлганликларини билишмайди, гўё. Шу билан бирга, улар ҳурофот, жаҳолат, нотавонлик, бегонапарастлик ва бошқа бузғунчи ақидалардан таркиб топган ТИТП фаолиятининг давом этиши фақатгина халқимиз зарарига эканлигини билишмайди ва ёки билишни исташмайди. Шу боисдан, агар ТИТПга қарши Тожикистоннинг тегишли органлари ўз вақтида чора кўрмаганида, бунинг оқибати тожик ва тожикистонлик учун фожеали бўлиши мумкинлиги уларни қизиқтирмайди. Шубҳасиз, тожик миллатининг бундай "жонкуяр"лари юқорида айтилган вазиятнинг вужудга келишидан манфаатдор эдилар. Улар учун бундай пайтда кўпчилик мотам тутиб, тожикларнинг етим қолган фарзандларини бошқалар эмас, балки оналари кўз ёшлари билан катта қилишларига тўғри келиши мумкинлигининг фарқи йўқ. Бундай кишиларнинг ёниб, кул бўлган уйларини яна тожиклар қуриб беради, холос.

Шу билан бирга, ТИТП жиноятчиларининг баъзи Европа мамлакатлари томонидан бошпанали ва "тадбир" ўтказишлари учун қулай шароитлар қилиб берилаётганлиги ўша давлатларнинг иккиламчи сиёсатидан дарак беради. Европа демократияси барча ҳолатларда ҳам ўша мамлакатлар раҳбарлари ва "тегишли" ташкилотлар томонидан, тарғиб, талқин ва юкланаётган демократия эмаслигини жамият аҳволидан хабардор кишилар яхши билишади.

Юқорида зикр этилган мамлакатлар бошқа давлатлар, хусусан, тараққиётга юз тутган давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқи поймол этилиши борасида "ташвиш" билдириб турган бир пайтда, ўз мамлакатларида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари назарда тутилган ҳолатлар йўқлигига қарамай, бегуноҳ кишиларни қатл этмоқдалар. Ушбу мамлакатлар раҳбарлари баъзи бошқа давлатлардаги "пишагини пишт" дейдиганлардан "нороҳат" бўлиб, буни инсон ҳуқуқларининг бузилиши, деб атайдилар. Бу эса, барчага маълум нарса, ундан бирор киши ташвишланмайди.

Европа давлатлари аҳолисининг кўп қисмини мусулмонлар ташкил этадиган қолоқ мамлакатларнинг диний қадриятларига "ҳурмат" кўрсатиб, ҳеч қачон уларнинг ҳақиқатдан ҳам дунёвий давлат қуриш борасидаги ҳаракатларига "йўл қўймайди"лар. Чунки улар дунёвий давлат бўладиган бўлса, диний низо ва қарама-қаршиликлардан йироқ бўлиб қоладилар. Ушбу мамлакатлар ихтиёрида бўлган барча захира ва имкониятлар эса, бунёдкорлик ва ободончилик моҳиятига қаратилган яхши ишлар учун сафарбар этилади. Табиийки, вазиятнинг бундай тус олиши қудратли давлатлар манфаати учун бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Чунки улар ҳар доим мусулмонлар қудратли давлатлар "шарофати" ила юзага келган ўз ички муаммоларига ўралашиб ётишларини истайди. Дунё тажрибасидан маълумки, қайси бир давлатда диний ташкилотлар таъсири кучаядиган бўлса, унда, албатта, давлат тўнтариши, мамлакатнинг фуқаролик уруши гирдобида қолиши, сиёсий нотинчлик, давлатчилик рукунларининг фалаж бўлиши ва бошқа номақбул амаллар одатий бир нарсага айланиб қолади. Бундай мамлакатларнинг ТИТП билан алоқа қилаётган бир пайтда, Мавлоно Жалолиддин Балхийнинг қуйдиги мисралари ёдга тушади:

**Кўзинг бор-ку, боқ**
**ўз кўзинг ила,**
**Нодон ва омилар**
**кўзи-ла боқма.**
**Қулоғинг бор,**
**ўз қулоғинг-ла тингла,**
**Ўзга қулоғи-ла тинглаб,**
**улоқма.**

Олдинги йилларда ТИТП билан минтақанинг баъзи манфаатли давлатлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида овозалар юрарди. Бироқ "дўстлар" самимиятдан асар ҳам бўлмаган "қўлингиз дард кўрмасин" ва ёки бошқа ширин сўзлар билан ўзларини юқоридаги гаплардан йироқ қилиб кўрсатишарди. Халқимизда, "агар бирор кишининг асл қиёфасини кўришни ва унинг мақсадидан хабардор бўлишни истасанг, энг яқин кишисини қўлга ол", деган гап бор. Бу гапнинг нечоғлик ҳақиқатга яқин эканлигини биз билан ҳамдину ҳамзабон бўлган мамлакатлар муносабатида кўрдик.

Оммавий ахборот воситаларида нашр этилаётган материаллардан ҳам ҳозир Европа мамлакатларидан туриб, Тожикистонга қарши шиор ташлаб турган ТИТПнинг бир гуруҳ аъзолари ҳам мана шу "дўстлар" кўмагидан беминнат фойдаланиб келаётганликлари маълум бўлиб қолди.

ТИТПнинг "узоқни кўра олувчи" раҳбарлари ҳам партияларининг асл мақсади террорчилик ташкилотидан фарқ қилмаслиги, уларга хожалари томонидан доимий равишда берилаётган маблағлар ҳам қонунчилик талабларига мос тушмасликларини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам, унинг раҳбарлари ва фаол аъзолари ҳар доим одамлар қулоғига ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва давлат бошқа тузилмалари партияларига босим ўтказиб, аъзоларини таъқиб этиб, фаолиятларига тўсқинлик қилаётганликлари ҳақида бемантиқ гапларни сўзлаб келарди. Ҳозир ҳам наҳзатчилар ўзларининг бу "одат"ларини қўймасдан, интернет саҳифаларида ўзларини "бечора" қилиб кўрсатиб келади. Аслида эса, наҳзатчилар ва уларнинг етакчилари ҳаёти ва фаолияти ҳар доим порахўрлик, мамлакат тинчлиги-ю барқарорлигига путур етказиш, террорчилик амалиётларини амалга ошириш ва охир-оқибат давлат тўнтарувига ҳаракат қилиш одатий бир ҳодиса бўлиб, "уларнинг асл табиати ҳам шундан иборат эди".

ТИТП раҳбарияти ва аъзоларининг кўрнамакликлари Марказий Осиёда ягона бўлган исломий партия парламентда ҳам вакиллари бўлишдек имкониятни сарфи назар қилишларигача олиб келди. Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўтмиши жуда ҳам доғли бўлган бундай исломий партиянинг фаолият юритиши учун имкон яратиб берган Марказий Осиёдаги ягона ҳукумат эканлигини ҳам эътироф этмоқлик лозим. Ҳозир эса, ўз "ташаббус"лари билан ТИТП террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилган экан , ҳеч нарса улар учун ёрдам бермайди. Гарчанд айни пайтда хожаларининг манзилида "тўрдан" жой олган бўлсада:

**Ўзгалар ерига**
**қурмагин манзил,**
**Ўз ишинг қил,**
**ўзга ишин қилмагил,-**

деган ҳикматни эсдан чиқармасликлари лозим.

Бу террорчи ташкилотнинг мухлисларидан бўлган бир қанча қаламкашлар ҳориждан туриб, ўз миллати ва Ватани томон маломат тошини отаётган бир пайтда, мамлакат ичкарисида бўлган ўшаларнинг "тузини еган"лар ташқарида бўлган журналистларнинг уларга қўшилиб кетаётганликларидан "хавотирда"лар. Айни пайтда маълум бир сабаблар ила мамлакат ташқарисида бўлган журналистлар ҳеч қачон хоинлар ва жиноятчилар "ноғора"сига "рақсга тушмасликларига" ишончим комил.

Масъулият билан айта оламанки, бугунги Тожикистон дунёвий, ҳуқуқбунёд ва демократик давлат бўлиб, ҳар доим ўзининг бой ўтмиши, маданий қадриятлари, мислсиз тарихий ёдгорликларини ҳимоя қилади ва барча масалалар ечимида ошкоралик ва одилона усулдан фойдаланади. Бу менинг шахсий фикрим эмас, балки ҳақиқатдир. Зеро, кимки, бу нарсани кўра-била туриб, инобатга олмаса, ҳақиқий мантқуртдир.

Шунинг учун ҳам, бузғунчи ва жиноятчиларга қарши зийраку ҳушёр бўлишимиз, бегона манфаатлар доирасида ёлғонларга учмаслигимиз ва энг асосийси, халқни бирлаштириб, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорликни бундан-да устувор этмоқлигимиз зарур.

*Шарифжони ҚУРБОН.*

---

√ Мулоҳаза

# ТИТПнинг омадсиз юришлари

Йигирма биринчи аср вабоси - терроризм ва экстремизм ўзининг жирканч қиёфасини тўлалигича намоён қила бошлади. У буқаламундек турфа тусда кўриниш беради, худди, иблиснинг минг хил турқи каби. Террорчи одам наслидан, афсуски, у шайтонга қуллик қила бошлади. Шайтон эса, азалдан одам боласига душманлик қилиб келади. Ер юзида амалга оширилаётган даҳшатли ваҳшийликлар, кўз қорачиғи ҳайратдан қотиб қолган гўдак мурдаси одамни ваҳмга солади. Шайтон иродаси билан терроризм ва экстремизм ёвуқлашди. Шайтонваччалар кўпайгани сари денгизга ғарқ бўлган гўдакларга қирон кела бошлади. Бу қандай бедодлик? Бу қандай ҳолат?... Совуқ уруш манзарасида, совуқлашган салтанатлар қиёфасидаги терроризм қулоч ёймоқда. Нега? Нима учун?! Адоқсиз саволлар хаёлларимни чувалаштириб ташлайди. Бироқ юрагимда бир таскин бор, у ҳам бўлса, юртимиздаги тинчлик.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон олиб бораётган тинчликсевар сиёсат юртимиз осойишталигига кафил бўлаётганлигидан Парвардигорга беадад шукрлар қиламан.

Ватандошларимиз юзкўзларидан Миллат пешвоси, ҳурматли Президентимиз юритаётган тинчликсевар сиёсатидан қониқиш ҳисси акс этиб туради. Шу тинчлик туфайли юртимиз кундан-кун ривожланиш сари юз бурмоқда. Моддий ва маънавий соҳаларда юксалиш назарга ташланаётир.

Халқимизда:-Бирни кўриб фикр қил… - деган доно нақл бор. Дунёда рўй бераётган қонли воқеалар тероррчилар қонхўрлиги туфайли ҳалок бўлганларни телевидиние орқали кузатиб, жонажон юртимизнинг тинчлигига шукроналар қиламан…

Ер куррасининг айрим нуқталаридаги зўравонликларни "Ислом давлати" номли террорчи гуруҳ аъзолари амалга ошираётир. Аслида, Ислом тамойилларидан миллионлаб фарсаҳ йироқ турган бу каззоблар мусулмонлар, қолаверса, Ислом динини ерга урмоқчи бўлишади. Улар ва улар хожаларининг мақсади ҳам шу, аслида. Лекин бир нарсани эсдан чиқармаслик керак, Муҳаммад Иқбол айтганидек, айб Исломда эмас, айб бизнинг мусулмончилигимизда. Бизнинг динни тўғри тушунмаслигимизда. Диннинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етмаган баъзи ёшлар "Ислом давлати", "Ваҳҳобия", "Салафия", "Жабҳат ан-Нусра", "Ўзбекистон ислом ҳаракати", "Иегова шоҳидлари" каби террорчи гуруҳларга тушунмай қўшилиб кетишмоқда. Президентимиз сиёсий зийраклик тўғрисида доимо таъкидлар экан, ёшлар тарбиясида ҳушёр бўлмоқликни бот-бот уқтириб келади. Дарҳақиқат, ота-она ўз фарзанди таълиму тарбиясидан мунтазам хабардор бўлмаса ва беparволик қилса, охири вой бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Диннинг моҳиятини тўлақонли идрок этмасдан, радикализмга берилишнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Узоққа бормай, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида юртимизда рўй берган тартибсизликларнинг келиб чиқишига бир назар ташлайлик. Ўзини демократ ва диндор санаган бир тўда олчоқ юртни қонга ботирди. Бу радикализмга берилишнинг оддий бир кўриниши эди, холос. Саводсизлик инсонни гўлликка етаклайди, худди шундай, бесаводлардан чет эллик махсус хизмат тизимлари устамонлик билан фойдаланишади. Тўқсонинчи йиллар воқеалари таҳлили шуни кўрсатади. Кейинчалик бундай кучлар ва уларнинг мақсадлари ҳам маълум бўлиб қолди. Эл-юрт тинчлиги учун муҳтарам Президентимиз бошчилигидаги янги Ҳукумат оғир жиноятлар содир этган ёки уюшган жиноятлар қилинишига шароит яратиб берган мухолиф кучларни авф этди. Ҳатто, буларга мансаб курсилари ажратди. Улар мансабдор ҳам бўлишди, шу мансаблари туфайли бойиб ҳам кетишди. Алалоқибат, Ватанга хиёнат қилишди. Бойликларини ватан ободлиги эмас, уни вайрон этишга сарфламоқчи бўлишди. Муқаддас Ислом дини номидан фойдаланишди. Ўзларининг манфур ниятларини амалга оширолмаган Муҳиддин Кабирий каби ватан хоинлари, ҳатто, ўз сафдошларига хиёнат қилиб хорижга қочишди. Унинг яқин маслакдоши бўлган генерал Абдуҳалим Назарзода исёни бостирилди. Афсуски, Кабирий бошчилигидаги террорнинг жирканч оқибати ўлароқ, Ватаннинг жасур ўғлонлари ҳалок бўлишди. Ватандошларимиз янада зийракроқ бўлишлари лозим. Токи, Ватан сотқинларининг хиёнатлари бошқа такрорланмасин. Кабирий Тожикистонда уюштирган қонли саҳналарини дунё аҳли назаридан пинҳон тутмоқчи бўлиб, ҳар хил найрангбозлик йўлига ўтиб олди. Жабрдийда сифатида ўзига ўхшаганлар даврасида аюҳаннос сола бошлади. Бироқ Тожикистон Олий суди томонидан ТИТПнинг террорчи ташкилот, деб эълон қилинганидан сўнг чет давлатларда унинг фаолиятини ўргана бошлашди. ТИТПнинг террорчи гуруҳ эканлиги тасдиқланди ҳам. Маълумотларга қараганда, аниқроғи Туркия Ички ишлар вазирлиги ходими Али Азизўғлининг билдиришича, Туркия ТИТП аъзоларини ўз давлати ҳудудларидан бадарға қилишган. ТИТП фаолиятини зимдан ўрганган Туркия давлати махсус хизмати ТИТП фаолияти ёхуд Туркия ҳудудларида унинг мавжудлигини хатарли, дея ҳисоблайди.

Энди чет элларда ҳам пайтавасига қурт тушган ТИТП "ишбилармон" раҳбарларининг янги-янги баҳоналар билан одамлар бошини айлантиришлари турган гап… Нима бўлишидан қатъий-назар талвасага тушган ТИТПчиларнинг хатти-ҳаракати, менга сомонхонага қараб югурган бузоқни эслатади.

*Зафар СУЛАЙМОНИЙ,*
*Душанбе шаҳри.*

## Шу куннинг суҳбати

***Ўтган ҳафта бир қатор улкан воқеалар гувоҳи бўлдик. Шулардан бири - 17-20 апрел кунлари азиз Ватанимиз пойтахти - Душанбе шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотларининг биринчи кўргазмаси бўлганлиги рост. Зотан, бизга ёндошу жондош қўшни республиканинг мамлакатимизда 25 йил давомида илк бор бу каби кўргазма ўтказаётгани эди. Шу муносабат билан кўргазма жараёни билан яқиндан танишган мухбиримиз Тожикистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси муовини Манзура Рустамова билан учрашиб, у кишига бир қатор саволлар билан мурожаат этди.***



# ТОЖИКИСТОН-ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИКЛАР ЯНГИ УФҚЛАРИ

**- Ҳурматли Манзура Акрамовна, айтинг-чи, мазкур кўргазма Сизда қандай таассурот қолдирди?**

- Гарчи қўшни республиканинг саноат маҳсулотлари кўргазмаси бизда илк бор ўтказилаётган бўлсада, ўйлайманки, барча иштирокчиларда хуш таассурот қолдирди, жумладан, менда ҳам.



**- Ва унда бизга дўст республиканинг юздан ортиқ ширкати иштирок этишининг ўзиёқ меҳмон томоннинг бунга алоҳида тайёргарлигидан далолат беради, назаримда, шундай эмасми?**

- Икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги самарали муносабатларни янги босқичга олиб чиқишига барчада умид уйғотган мазкур кўргазмада қўшни давлатнинг 160 ширкати ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган 1500 турдаги маҳсулотларни намойиш этдилар.

**- Кўргазма ташкилотчилари кимлар?**

- Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 2016 йил охирида бўлиб ўтган сўнгги йиғилиши чоғида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон миллий саноат маҳсулотлари кўргазмасининг ватанимиз пойтахтида ўтказилиши ҳам шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли шерикчилик ва яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этиб турган бир пайтда, бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳар иккала мамлакатлар учун ҳам аҳамиятли.

Юқорида эслатиб ўтганимдек, мамлакатларимиз Ҳукуматлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича келишувлар асосида икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ҳамда "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар компанияси ушбу тадбир ташкилотчилари саналади.

**- Кўргазмага, асосан, қандай маҳсулотлар намойишга қўйилди?**

- Душанбедаги "Пойтахт- 90" замонавий савдо маркази ҳудудидаги тахминан 2000 квадрат метрлик жойда тўқимачилик, озиқ-овқат, тери-чарм, электротехника, кабел-узаткич, дори-дармон, ўқув-лаборатория ускуналари, қурилиш материаллари, сантехника, чинни буюмлар ва турли идишлар, пардоз-андоз ҳамда алгоколли ичимликлар, шунингдек, ушбу савдо марказининг очиқ майдонида қишлоқ хўжалиги ҳамда транспорт техникалари, жумладан, енгил ва юк автомобиллари, йўловчи автобуслар, турли тракторлар ҳамда бошқа жиҳоз-ускуналар намойиш этилди.



**- Техникалар, автомобиллар деганингизга ёдимга тушиб кетди: Ўзбекистон Республикаси минтақада машинасозлик, автомобил ишлаб чиқариш масаласида пешқадамлардан саналади. Айтинг-чи, бу борада қандайдир савдо битимлари тузилдими?**

- Ҳа. «Ўзавтосаноат» компанияси Тожикистоннинг «Лесинвест» ва «Тажмоторс» компаниялари билан енгил автомобилларни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолади. Шунингдек, «Ғаюр» компанияси билан ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди. Албатта, мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси доирасида ўтказилган бизнес-форумда имзоланди.

Чунончи, кўргазма доирасида Ўзбекистон ва Тожикистон Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув, «TRANSNEFTEGAZ GLOBAL SERVIS» ва «Ғаюр» компанияси ўртасида битим ва фойдали қазилмаларни етказиб бериш бўйича меморандумлар ҳамда бошқа қатор ҳужжатлар, шунингдек, озиқ-овқат ва кимёвий соҳа бўйича ҳам лозим ҳужжатлар имзоланди.

Тожик-ўзбек бизнес форуми давомида жамулжам 35 миллион доллар ҳажмидаги 20га яқин шартнома имзоланди. Бу, икки дўст мамлакатлар ўртасидаги савдо-саноат бўйича ҳамкорликнинг янги уфқи очилаётганидан дарак беради. Бу эса, баҳорий айёмда эсаётган ёқимли шабада каби илиқ муждадир.

**- Ўтказилган ушбу кўргазмани қандай баҳолаган бўлардингиз? Умуман олганда, ушбу тадбир келажакдаги ҳамкорликларга туртки бўла оладими?**

- Юқорида эслатиб ўтганимдек, мазкур кўргазма барчада илиқ таассурот қолдирди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу тадбир икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг ошиши, мамлакатларимиз бизнес доиралари вакиллари ўртасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг ўрнатилиши ҳамда ривожланишига, савдо-сотиқнинг кўпайиши, Тожикистон ва Ўзбекистон бизнес доиралари ҳамкорлик кўламининг янада кенгайишига асосий туртки бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

*Абдулло САИДОВ*
*суҳбатлашди.*

## Маориф дарғалари

# ШОГИРДЛАР АРДОҒИДАГИ УСТОЗ

Одатда ўқитувчилик касби ҳақида гап кетганда, машаққатли, аммо шараф-



ли касб, дея эътироф этишади. Дарҳақиқат, шундай. Ўқитувчи ўқувчисини ўз боласидек кўриб ўқитади, бор билими ва маҳоратини унга беради, камчилигидан изтиробга тушса, ютуғидан боши осмонга етади. Умрини унга бағишлайди. Шунинг учун ҳам, устозни улуғлайдилар, шарафли касб эгалари, дея олқишлайдилар. Ғулакандозда устоз сифатида қадр-қиммат топган ўқитувчилар жуда кўп. Ҳафиза опа Ҳасанова шулардан биридир.

Ўшанда, 2013 йили устозлар ва мураббийлар байрами арафаси эди. Кеч соат 21:15да кундузги ташвишлардан ҳориб, эндигина кўзлари уйқуга кетган Ҳафиза опани бехосдан жиринглаган телефон овози уйғотиб юборди. Нотаниш рақамдан ажабланган муаллима телефонни қўлига олди:

- Алло, ассалому алайкум, устоз. Мен ўқувчингиз Хуршид Мўминовман. Сизга Ҳаждан телефон қиляпман. Уч кундан бери Каъбатуллони айланиб, яқинлар қатори сизни ҳам дуо қиляпман, устоз. 11-синфда адабиёт фанида Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" драматик достонини ўтганингизда вақти келиб, онажонимни Ҳажга олиб боришни ният қилгандим. Ниятим амалга ошганидан, бунда сизнинг ҳам ҳиссангиз борлигидан хурсандман. Келаётган касбий байрамингиз билан чин дилдан табриклайман. Ҳамиша соғ-омон бўлинг, устоз!

Хуршид гапираяпти-ю, Ҳафиза опанинг кўзларидан дувиллаб ёш оқарди. Опа хурсанд бўлиб, ўз касбидан фахрланиб йиғларди. Хуршидга ўхшаган ўқувчиларга берган билимлари, меҳнатлари зоя кетмаганига, олис Каъбатуллодан уни йўқлаб, қўнғироқ қилганига йиғларди шу тобда.

Ҳафиза опа Ҳасанова 1958 йилнинг 16 майида Ғулакандоз қишлоғида республикада хизмат кўрсатган агроном Мирзоюнус Ҳасанов билан Марзия ая хонадонида дунёга келди. Ўрта мактабни 1975 йили аъло баҳоларга тамомлагач, Хўжанд шаҳридаги олий ўқув юртининг ўзбек филологияси факултетига ўқишга кирди. 1979 йили ўқитувчилик дипломини қўлга олгач, ўзи таҳсил олган 19-ўрта мактабда иш бошлади. Ҳаш-паш дегунча, 37 йил ўтибди. Бу йиллар давомида муаллима ўқувчилар билими ва тарбиясига эътибор бериб, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаб келди. Иқтидор ва билими, жамоат ишларидаги фаоллиги, ҳалол меҳнати туфайли ўқувчилар ва касбдошлари орасида ҳурматга эга бўлди. Бир неча марта мактаб, ноҳия ва вилоят ифтихорномалари билан тақдирланди. Опанинг турли қутлуғ саналарга бағишлаб ўтказган кўплаб тадбирлари, очиқ дарслари ҳамиша аъло баҳоланган.



У киши вилоят илмий-амалий конференциясида "Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон асарларидан фойдаланиш йўллари" мавзусидаги маърузаси билан иштирок этиб, фахрий ифтихорнома билан тақдирланди. Турли ўқув йилларида "Машраб шеърияти", "А. Қаҳҳор – моҳир ҳикоянавис", "Мирзо Турсунзода – тинчлик куйчиси" мавзуларида ўтган бир соатлик очиқ дарсларини ҳалигача ноҳия тил ва адабиёт фани ўқитувчилари, Марҳабохон Юнусова раҳбарлигидаги малака ошириш курси тингловчилари ҳавас билан эслаб юришади.

Ҳафиза опа ҳар бир дарс жараёнида таълимнинг фаол усуллари, техник воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда дарс ўтади. Энг аввало, она тилимиз қадрини, улуғлигини ҳар бир ўқувчи онгига сингдиради. Шу боис ҳам, Дилафрўз Машрабова, Гулхиром Нурматова, Шоира Саидахмедова каби ўқувчилар олимпиадада фахрли ўринларни эгаллаб, устоз меҳнатини оқладилар.



Олийгоҳни эндигина тамомлаган кезларим Ҳафиза опа билан бирга ишлайдиган қадрдон дугонам Маҳбубахон Абдусаминова (айни дамда у маориф бўлимида фаолият юритади) бир гап айтиб қолди:

- Дугонажон, зўр тилчи бўламан десанг, Ҳафиза опанинг лоақал бир соатгина дарсини кузат.

Мен Ҳафиза опанинг бир соат эмас, бир неча соат дарсини кузатдим. У кишидаги сўзамоллик, равон нутқ, ўқитувчига хос бўлган маданият, ўқувчилар билан қиладиган муомала ва синфни бошқариш қобилияти менда жуда катта таассурот қолдирган. Ҳафиза опа шунчаки дарс ўтмайди. Берилиб, асар ичига кириб, бир озгина актёр бўлиб, мавзуни ўқувчига етказади. Ўттиз етти йил дарс ўтган бўлса, бирор марта кўргазмасиз дарсга кирмаган. Опанинг кўргазмалари ичида орқасига «Пиримқул Қодиров билан учрашув. 1978 йил», дея ёзиб қўйилган сурат диққатимни ўзига тортди.

- Талабалик йилларим жуда завқ билан ўтган. Илм олишдан ташқари, турли хил тадбирларни ҳам уюштирардик. 1978 йили "Юлдузли тунлар" асари муаллифи Пиримқул Қодировнинг 50 йиллиги муносабати билан факултетимизда учрашув ташкил қилгандик. "Юлдузли тунлар"дан саҳна кўриниши қилганимиз муаллифда жудда катта таассурот қолдирганди. Адибга тўн, қийиқ ва дўппи совға қилганимизда, у киши бундан тўлқинланиб, кўзларига ёш олди: «Мен гўдаклигимда шу заминдан чиқиб кетгандим. Аммо бугун билсам, мен ҳалигача Тожикистонда яшар эканман, менинг ҳақиқий юртим Тожикистон экан», дея миннатдорчилик билдиргани ҳалигача эсимда, - дея муаллима суратга шарҳ беради.

Шогирдлар ардоғида бўлган устоз муаллима оилада ҳам иззат ва ҳурматда. Умр йўлдошлари Саидхўжа Исахўжаев билан тинч-тотувликда фарзандларини вояга етказишди. Қизлари Гулмирахон ўқитувчилик касбини ардоқлаб келаётган бўлса, ўғиллари Акмалжон ва Ғуломжон айни дамда Россия давлатида фаолият олиб боришяпти. Бобо ва бувидан андоза олган етти нафар неваранинг ақли, билими ва ҳуснига ҳавас қилса арзийди.

2015 йили Ҳафиза опа Ҳасанова ноҳия маориф бўлимининг қарори билан "Тожикистон халқ маорифи аълочиси" унвонига тавсия қилинди. Лекин нима сабабдандир ҳалигача бу унвонни олгани йўқ. Балки яқин кунларда бу қарор амалга ошиб, хушхабар эшитсак, ажаб эмас. Қатор баҳорий байрамлар арафасида меҳрибон инсон, моҳир педагог Ҳафизахон Ҳасановага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ҳамиша ҳозиргидек яшариб, кулиб юришларини тилаб, ҳамиша баҳор каби яшнаб-қувнаб юришларини Яратгандан сўраймиз.

*Башорат РАЗЗОҚОВА,*
*Ж. Расулов ноҳияси.*

**Суратларда ўқитувчи Ҳафиза Ҳасанова ва машғулотлар жараёнидан лаҳзалар акс этган.**

# Суғд вилояти янгиликлари

## ҲАРБИЙ ҚИСМДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР" КУНИ

Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг Хўжанддаги 3501-ҳарбий қисмида "Очиқ эшиклар" куни ўтказилди. Шу куни 500 нафардан ортиқ бўлажак аскар ҳарбий қисмда бўлиб, у ердаги шароит билан танишишди. Ёшларнинг ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан суҳбатлари қизиқарли кечди.

Ҳарбий қисмдаги шароитнинг яхшилигини кўрган, йигитлик бурчларини ўташ жараёнида жисмоний жиҳатдан чиниқиб, тобланган, яшаётган юртига нисбатан меҳр-муҳаббати ошган аскарлар ҳаёти билан танишган ёшлар мактабни тугатганларидан сўнг она-Ватан хизматига боришга аҳд қилишди.

Шу ўринда Суғд вилоятида ҳарбий хизматга кўнгилли равишда отланаётган йигитлар сони тобора ошаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, жорий йилги ҳарбий хизматга дастлабки жўнатиш пайтида 1200 нафардан ортиқ суғдлик йигитлар кўнгилли равишда ўз бурчини ўташга отланди. "Очиқ эшиклар" куни Хўжанд шаҳар давлат ҳокимияти ижроия органи Ёшлар, спорт ва сайёҳлик бўлими, шаҳар маориф бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди.

## ЧЕРНОБИЛ ФОЖИАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҚАДРЛАНДИ

Ашт давлат ҳокимияти ижроия органи мажлисгоҳида 1986 йил 26-апрелида Украинада юз берган Чернобил фожиаси 31-йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди. "Чернобил атом станцияси фалокатини бартараф этганларни хотирлаш куни", деб аталган бу учрашувда аштлик чернобилчилар, уларнинг оилалари қатнашишди.




Ноҳия раиси Зариф Мирдадо аштлик чернобилчиларнинг оғир ва даҳшатли фалокат оқибатларини тугатишдаги шижоат, мардлик ва ватанпарварлик хислатларини таъкидлаб ўтди. Фақат собиқ СССРнинг Украина, Белоруссия ва Россия республикаларидаги аҳолигина эмас, айрим қўшни давлатларни ҳисоблаганда, 9 миллион аҳоли бу фалокат жабрини тортди. Агар Чернобил офатларини тугатувчилар вақтида дадил, шижоатли меҳнат қилишмаганда, балки бу рақам янада кўпайиши мумкин эди. Ана шу шижоатли инсонлар орасида аштликлар ҳам бор эди. Ноҳия раисининг айтишича, улардан 6 нафари шу кунларда ҳам ҳаёт кечиришмоқда.

Учрашув сўнгида Чернобил офатини бартараф этувчиларга ноҳия давлат ҳокимияти ижроия органи томонидан эсдалик совғалар ва ёрдампули берилди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва ноҳияларида ҳам чернобилчиларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

## ҒАМХЎРЛИК ИЖОДИЙ ПАРВОЗГА ЧОРЛАЙДИ

Спитамен ноҳияси давлат ҳокимияти ижроия органи Шукур Бурҳонов номли ўзбек мусиқали драма театри учун 200 минг сомоний маблағ ажратди. Ажратилган маблағнинг тенг ярми театр биносини таъмирлаш ишлари учун сарфланмоқда. Қолган юз минг сомонийга эса, замонавий техник жиҳозлар сотиб олиш мўлжалланган.

- Мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Буни ноҳиямиз раиси Сулаймонзода Акрам Раҳимнинг театримиз учун қилаётган ғамхўрлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Театр санъатини жуда яхши тушунадиган бу инсон ижодкорларимизга қулай шарт-шароит яратиб бериш учун ўз ёрдамларини аямаяптилар. Биз - театр ижодий жамоаси бу ғамхўрликларга нисбатан янги-янги, теран мазмунли, бадиий юксак саҳна асарлари яратиш учун интилаверамиз, - дейди Шукур Бурҳонов номли ўзбек музикали драма театри директори, истеъдодли актёр ва режиссёр Абдуқодир Яҳёев.

Шу ўринда ҳозир Душанбеда бўлиб ўтаётган "Парасту" театр фестивалида Спитамен театри кўрсатган "Доғ" спектакли яхши баҳоланганини таъкидлаш жоиз. Маҳаллий драматург Нарзулла Шарипов қаламига мансуб бу асар энг яхши драма, деб топилди.

## АДАБИЁТ СЕҲРИ «ДОМИ»ДА

Хўжанддаги ёш томошабинлар театри биносида таниқли шоир ва журналист Жўра Юсуфий ижодий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи Суғд вилояти бўлими раиси Аҳмаджон Раҳматзод шоирни табриклар экан, у ўз ижоди билан тожик адабиётига ҳисса қўшаётганини таъкидлаб ўтди.

Вилоят, Хўжанд шаҳар ҳамда Жўра Юсуфий вояга етган Мастчоҳ ноҳияси раислари йўллаган табрикномаларда шоир ва журналистнинг кўп қиррали ижодкор эканлиги, унинг шеърларида Ватанга, онага, инсонга меҳр-муҳаббат уфуриб туриши, дўстлик, бирдамлик ғояларини тараннум этиши баён этилганди.

Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси Низом Қосим Жўра Юсуфий ижоди ҳақида гапирар экан, адабиётнинг қудратли ва сеҳрли куч эканлиги, буни англаган ижодкорлар маҳсули эзгулик, бунёдкорлик, инсонни севишга хизмат қилишини айтиб ўтди.

Жўра Юсуфий Мастчоҳдаги 10-ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тожикистон Давлат университетига ўқишга кириб, журналист ихтисосини эгаллади. Унинг меҳнат фаолияти Мастчоҳдаги "Машъал" газетасида бошланган. Ҳозирда "ДАМ" ҳафтаномаси бош муҳаррири бўлиш билан бирга "Бонувони Тожикистон" журналининг Суғд вилоятидаги вакилидир.

Жўра Юсуфийнинг шеърлари ва публицистик асарлари китоб шаклида нашр этилган. Жумладан, "Мастчоҳ тарихидан", "Деҳманора минори", "Етти пайкар", "Муҳаббат миллатидан" каби китоблари китобхонларга манзур бўлган.

## МЕҲР-МУҲАББАТ ОҒУШИ

Конибодомдаги қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатиш минтақавий маркази қайта қуриш ва сифатли таъмирдан сўнг яна ўз эшикларини очди. Бу хайрли ишни амалга оширишга бел боғлаган маҳаллий тадбиркор Абдураҳмон Абдураҳимов марказда барча шарт-шароитларни пайдо қилиш учун куч-ғайратини сарфлади.

Конибодом шаҳар давлат ҳокимияти ижроия органи хайрли ишларни амалга ошираётган сахий инсонларни мудом қўллаб-қувватлаб келмоқда. Марказнинг қайта очилишида иштирок этган Конибодом шаҳар раиси Ғайбулло Боҳирий буни яна бир марта таъкидлаб ўтди. Тожикистон Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазири Насим Олимзода эса, қариялар ва ногиронларга ғамхўрлик биринчи навбатдаги вазифаларидан бири эканлигини айтди.

Марказда 25 нафар ғамхўрликка муҳтож инсоннинг яхши яшаб, ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, аёллар ва эркаклар учун дам олиш хоналари, ошхона, буфет мавжуд. Ижтимоий соҳа ходимлари ва тиббий ҳамширалар қария ва ногиронлар соғлигини текшириб, мунтазам ғамхўрлик қилишмоқда.

*Ўз мухбир.*

**2017 йил - Ёшлар йили**

# Ӯн икки ёшли лауреат

Баҳор келинчаги – Наврўзойнинг ўлкамизга кириб келиши – халқимизнинг катта қувончи, шодиёнасига сабаб бўлди. Шаҳру ноҳияларда, қишлоқ ва маҳаллалар марказида эл тўпланиб, байрамни катта шукуҳ билан нишонладилар. Наврўзий суюкли таом – сумалаклар учун дошқозонлар осилди, лаззатли паловлар дамланди. Санъаткорлар, ижод аҳли, ҳунармандлар ўз истеъдодларини намойиш этдилар…

Ана шундай қувончли кунларда Суғд вилоятида яшаб ижод қилаётган, вилоят турли идораларида фаолият юритаётган зиё аҳли - бир гуруҳ қаламкашлар буюк шоир Рўдакий ва истеъдодли шоир Лойиқ Шерали туғилган диёр – қадимий ва навқирон Панжакентга йўл олдилар.



Сафида Тожикистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари жамиятининг Суғд вилоятидаги вакили Латиф Султонов билан бирга бўлган ижодкорлар - Илҳом Юсупов, Жамшид Пиримов, Ҳакимжон Зокировлар гуруҳи дастлаб 15 минг аҳолиси бўлган Сужина қишлоғида ўтказилган Наврўз байрами тантанасида иштирок этдилар ва қатнашчиларни шодиёна билан қутладилар. Сўнгра улар шаҳар маданият қасри томон йўл олишди.

Ёш ва истеъдодли ҳофиз Матлабжон Бердиевнинг шоу концерти бўлиб ўтаётган беш юз ўринлик Панжакент шаҳар маданият қасри мухлислар билан тўлиб тошганди шу тобда. Ўз навбатида санъаткорнинг Ватан, она, муҳаббат, инсон қадри, ёшлик борасидаги қўшиқлари, раққоса қизларнинг хиромлари қарсаклар билан олқишлаб турилди.

Байрам концерт дастури меҳмони Шукур Бурҳонов номли Спитамен драма театри қизиқчиси Ғайрат Ҳамроқулов ҳам ўзининг ичакузди ҳажвий чиқишлари билан иштирокчилар олқишига сазовор бўлди.

Тожикистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари жамиятининг Суғд вилоятидаги вакили Латиф Султонов маданият қасридаги меҳмон ва мезбонларнинг дўстлиги ва аҳиллигини юқори баҳолаб, Матлабжон Бердиевга санъат йўлида омадлар тилади.

Шунингдек, Илҳом Юсупов ноҳиянинг Чорбоғ қишлоғи мактабининг 5-синф ўқувчиси, истеъдоди гуллаб бораётган ёш қўшиқчи, вилоят ёш санъаткорлар «Бахтовар-шоу-2015», «Ваҳдат-шоу-2016» иштирокчиси Латифжон Бердиевга шоир Шукрулла Авлиёзода номидаги мукофотни тантанали равишда топширди. Латифжон ўтган 2016 йилда мукофот билан тақдирланган иккинчи ва энг ёш лауреатдир.

*Ш. БОЗОРОВ, Панжакент шаҳри.*
*Суратда: мукофот топшириш лаҳзаси.*

**С. Айний номидаги адабий мукофотга номзодлар**

# ИЖОДКОР - ПЕДАГОГДАН ЕТИШГАН МОҲИР ТАРЖИМОН

Республикамизда бадиий ижод билан шуғулланувчи ўзбекзабон қаламкашлар анчагина. Муҳим ва ифтихорли томони шундаки, уларнинг аксарияти педагогик маълумотга эга. Ёзувчи Зайниддин Дўстматов, моҳир педагог, шоир, ёзувчи ва журналист Кенжавой Абдураҳимов (ҳар иккалаларининг ҳам жойлари жаннатда бўлсин), адиблар Неъматулла Иброҳимов, Сулаймон Эрматов, таниқли журналист Зокиржон Собиржонов(охирати обод бўлсин), Ёқубжон Абдуманонзода, Жамшид, Сайфуллахон Қорихонов, Одил Икром, Дилмурод Ҳожимуродов, Жўрақул Ажиб, Ҳаким Зокир, э-ҳа, уларнинг саноғи беҳисоб. Булар сафида Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Омонбой ҳожи Жуманов ҳам ибратли ва муносиб ижоди билан олтин узукнинг зумрад кўзи янглиғ алоҳида ажралиб туради. Бу моҳир қаламкашларнинг барчаси педагогик маълумот соҳибларидирлар. Улар собиқ Ленинобод Давлат педагогика инситутида (ҳозирги академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд Давлат университетида) ўтган аср иккинчи ярмининг турли йилларида ўзбек тили ва адабиёти бўйича таҳсил олганлар…



Бадиий, маърифий ижоднинг турларидан бири "таржима"дир. Бу соҳа билан шуғулланувчилар таржимон дейилади. Таржимон тили ҳар хил икки халқ маънавий, руҳий ва бадиий оламини ўзида мукаммал мужассам этган ноёб истеъдод эгаси, яъни зиёлилар зиёлисидир. Бундай ноёб иқтидор, ноёб маънавият ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аллоҳнинг илоҳий назари тушган шахсларгина бундай иқтидор соҳиби бўлиши мумкин.

Ҳаётда "таржимонсифат" касблар кўп. Актёрни ҳаётий қаҳрамон қиёфасига келтириб, саҳнага чиқарадиган касб эгаси--безакчи гримёр ҳам "таржимон"га ўхшайди. Мабодо намойиш этилаётган асарнинг ҳаётий, яъни ҳақиқий қаҳрамони томошабин сифатида залда ўтирган бўлса, саҳнадаги айнан "ўзини" кўриб, туш кўраётгандай бўлади. Шунингдек, мусаввирлик (рассомлик) ҳам "таржимонсифат" касб. У сирли бўёқлар ёрдамида кўз олдингизга кимнидир, ниманидир айнан "келтиради --қўяди".

Омонбой ҳожи Жумановнинг шарафли касбига айланган таржимонлик-чи? Бу "таржимон"лик ўз масъулияти, услубияти билан бошқа "таржимонсифат" касблардан тубдан фарқ қилади. Бу таржимонлик бир халқ маънавий ва бадиий оламини сеҳрли сўзлар воситасида тил жиҳатдан фарқ қилувчи бошқа иккинчи халқ вакилларига "тортиқ" қилади. Бундай иқтидор эгалари бир вақтнинг ўзида қўшалоқ муаллиф бўлиб, фақат бир тилда қалам тебратувчи бошқа ижодкорлардан алоҳида ажралиб туради.

Омонбой Жуманов - Тожикистонда таржима соҳасига асос солган ва унинг равнақига муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган фидойи қаламкашлардан бири. Унинг сеҳрли қалами маҳсулидан ўзбек китобхонлари кўплаб тожик бадиий ва публицистик ижодкорларининг асарларидан баҳраманд бўлиб келаётир. Тожик тилини, унинг маънавий, маърифий ва бадиий оламини ўз тилидек, ўз маънавий, маърифий ва бадиий оламидек ўзлаштирмаган шахс таржимон бўла олмайди. Омонбой Жуманов шуурида буюк тожик халқининг бу маънавий, маърифий ва адабий бойлиги лисоний шаклда тўлатўкис, мукаммал шаклланган. Шу боис, бу адибнинг таржимонлик фаолияти туфайли ўзбек китобхонлари А.Ҳамдам ва Л.Чигринларнинг "Эмомали Раҳмон жасорати" сингари бадиий-публицистик, С.Турсуннинг "Эътироз" номли бадиий асарлари билан ўз она тилларида таниш бўлдилар. Яна шуниси муҳимки, О.Жуманов томонидан таржима қилинган "Жасур қиз" номли тожик халқ эртаклари Тошкентнинг "Ўзбекистон" давлат нашриётида чоп этилиб, ундан ўзбекистонлик минг-минглаб китобхонлар тожик халқининг қимматли ва нодир халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлдилар.

Ҳа, Омонбой Жуманов, дарҳақиқат, Тожикистон ўзбекзабон қаламкашлари орасида ўз нодир иқтидор ва қобилияти билан ажралиб турувчи моҳир қаламкаш, истеъдодли таржимондир. Бу адибнинг маънавий, маърифий ва бадиий ижоддаги, айниқса, таржима соҳасидаги ибратли фаолиятини фахр ва ифтихор билан жиддий, муҳим ва долзарб илмий тадқиқотга мавзу бўлади, дейиш мумкин.

Биз, кўп сонли бошқа мухлис ва муштарийлар каби Омонбой Жумановни давлатимизнинг ҳар қандай мукофотларига, шунингдек, Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг С.Айний номидаги адабий мукофотига арзирли ва унга муносиб совриндор, деб ҳисоблаймиз.

*Абдували БЕРДИАЛИЕВ,*
*филология фанлари доктори, профессор.*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## «Миллий бирлик ва тожиклар тинчлик яратиш тажрибаси» - учрашув мавзуси

Тожикистон Республикаси Адлия вазирлиги Малака ошириш институти вакиллари Миллий бирликнинг моҳияти ва қадрияти мазмунини етказиш мақсадида, давлат ҳокимияти Норак шаҳри ижроия органида шаҳар корхона ва муассасалари фаоллари, масжидлар имом-хатиблари, маҳаллалар раислари ва оммавий ахборот воситалари намояндалари иштирокида учрашув ўтказишди. Бу ҳақда давлат ҳокимияти Норак шаҳри ижроия органи Ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири Ҳабиба Сафарова хабар берди.



Учрашув қатнашчилари Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириқ ва кўрсатмаларининг ижроси, мамлакат Президентининг сув масаласидаги глобал ташаббуслари, Ёшлар йили эълон қилиниши, Тожикистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши тарихи ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек, Бирлик ва миллий тотувлик келишуви имзоланиши тарихий аҳамияти ҳамда Миллий бирлик байрамининг 20 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

## Баҳорги даъват якунланди

Шамсиддин Шоҳин ноҳиясида ёшларнинг Қуролли кучлар сафига баҳорги даъвати ниҳоясига етди. Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органидан хабар беришларича, вилоятда ёшларнинг баҳорги ҳарбий чақириқ режаси 18 апрелгача 53,1 фоизга етказилиб, бу муҳим маърака қизғин давом этмоқда. Масъуллар даъват режасини муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Қуролли кучлар сафида хизмат ҳар бир ор-номусли йигитнинг бурчи ҳисобланиб, ёшларни ҳарбий хизматга чақиришдан мақсад, уларнинг ҳарбий билим ва малакаларини ошириш ҳамда Тожикистон чегараларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

## Тадбиркор аёллар кенгаши таъсис этилди

Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи Хотинқизлар ва оила ишлари бошқармаси қошида Тадбиркор аёллар кенгаши таъсис этилди. Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила ишлари комитетидан хабар беришларича, кенгаш ишида вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода иштирок этиб, сўзга чиқди. Президент грантини олувчи тадбиркор аёллар билан бир қаторда 21 нафар вилоят раиси грантини олувчилар ҳам кенгаш ишида қатнашишди.

Манбанинг маълумотига кўра, кенгашда аёллар қўлда ясалган ва халқ ҳунармандчилиги намуналарини намойишга қўйишди. Улар хотин-қизлар учун янги иш жойи яратилишидан қаноатмандлик изҳор этишди.

*Махфират Хидирзода:*

## - Тиббиёт соҳаси ходимлари учун шароитлар муҳайё этилган

Хатлон вилояти раиси ўринбосари Махфират Хидирзода Кўлоб шаҳрида минтақа соғлиқни сақлаш ҳамда маориф ва илм соҳаси муассасалари раҳбарлари билан иш кенгаши ўтказди. Бу ҳақда давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органидан хабар беришди.



Манба маълумотига кўра, Махфират Хидирзода кенгашда тиббиёт муассасалари ҳолати ва табибларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ҳақида фикр билдириб, масъулларни табобат ва хизмат кўрсатиш ишларини давр талаблари асосида йўлга қўйиб, соҳа тараққиётига ҳисса қўшишга даъват қилди.

- Бугунги кунда мамлакат Ҳукумати тиббиёт соҳаси ходимлари учун барча моддий ва техник шароитларни муҳайё этган, - деди М. Хидирзода. – Дўхтирларимиз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз касбий малакаларини мунтазам оширишлари зарурдир.

## Халқ ҳунармандчилиги компютер технологияси орқали ўргатилади

Халқ ҳунармандчилигини тараққий эттириш, қўлда зардўзлигу гулдўзлик қилиш, гилам, атлас ва адрас тўқишни тиклаш мақсадида, Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлиги ЮНИДО халқаро ташкилотнинг халқ ҳунармандчилигини компютер технологиялари орқали ўргатиш бўйича лойиҳасини татбиқ этиш доирасида, Кўлоб шаҳри Технология ва инновацион менежмент институтида Кўлоб минтақаси саноат корхоналари раҳбарлари ва ҳунармандлар билан кенгаш ўтказди. Бу ҳақда Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигидан хабар беришди.

Манбанинг маълум қилишича, кенгаш уч кун давом этиб, ҳунармандлар компютер технологиялари ёрдамида бу касблар бўйича бўёқларни танлаш ва уларни жойлаштиришни тўлиқ ўрганиб олишди.

- Кенгашдан мақсад, касбий мутахассислар ва ҳунармандларнинг мушкулларини осон этишдан иборатдир. Халқ ҳунармандчилигини қўлда бажариш катта қийинчиликлар билан амалга оширилади ва бўёқлар ҳамда гуллар, уларнинг жойлашишини нотўғри танлаш рақобатга дош беролмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга олиб келади. Бу ҳолатда маҳсулот ўз харидорини топа олмайди. Шу боис, бу дастурни ўрганиш мавжуд мушкулликлар ва соҳадаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилиши табиийдир, - деб хабар беришди Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигидан.

*Ўз мухбир.*

**Илм-фан олами дарғалари**

# МАШАҚҚАТЛИ ВА САОДАТЛИ ЙЎЛ

Юсуфали Шоназаров 1956 йилнинг 21 январида Гулистон (аввалги Қайроққум) шаҳрининг Зарчашма қишлоғида туғилган. Отаси – Шоназар Жалонов 27 ёшида вафот этганида ягона тўнғич фарзанд олти ойлик гўдак бўлган. Бир йилдан сўнг ёш онаси Хонсулув Эшматовани бошқа турмушга чиқарадилар. Юсуфали акани ориятли ва доно бобоси Жалон Йўлдош ўғли ва меҳрибон бувиси Хадича Мавлон қизи тарбия қилишади.

Халқимизда: “Илм игна билан қудуқ қазишга тенг”, - деган гап бор. Бу ҳақиқатни устозимиз, филология фанлари номзоди, доцент, зукко адабиётшунос олим, сермаҳсул ва фидойи мунаққид Юсуфали ака Шоназаров умри ва илмий хирмони тасдиқ эта олади.

Ю. Шоназаров 1971 йилда қишлоғидаги саккиз йиллик мактабни, 1973 йилда Адрасмон шаҳарчасидаги 7-ўрта мактабнинг 10-синфини тугатди.

Ю. Шоназаров Ленинобод Давлат педагогика институти тарих-филология факултетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олар экан (1973-1977), шеър машқини ташлаб, илм эгаллашга қатъий ва мунтазам киришди.

Талаба Ю. Шоназаров интилишлари устоз адабиётшунос олим Ҳайитбой Мирҳайдаров назарига тушди. Таҳсилдан сўнг она қишлоғидаги саккиз йиллик мактабда ишлаш билан бирга, илмий изланишга мунтазам киришди. Бир йилдан сўнг институтда ташкил этилган фалсафа фанидан номзодлик минимуми учун тайёрлов курсига қатнади ва муваффақиятли якунлади.

Ўзбек адабиёти кафедраси илмий тадқиқотчиси сифатида ўзбек шеъриятида поэтик образ муаммосини атрофлича ўрганди. Диққатга сазоворки, мактабдаги фаолияти давомида уруш йилларидан кейинги давр ўзбек шеъриятида анъанавий поэтик образ хусусиятлари ҳақидаги илмий мақоласи Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида нашр қилинди (“Давр ва образ”, 1980, 5-сон).

Ю. Шоназаров 1980 йил 25 декабридан бошлаб, ЛДПИ тарих-филология факултети ўзбек адабиёти кафедраси лаборанти сифатида фаолият бошлади. Ўқитувчиликка киришиш чўзилиб кетди. 1989 йил 1 августдан ўқитувчи вазифасига ўтди. Бу вақтга келиб, номзодлик рисоласи қарийб якунланиб қолган эди.



Лаборантлик муддати чўзилишидан қатъий назар, у илмий, таълим ва ҳаётий чиғириқлардан ўтди, ўз соҳаси бўйича камол топди.

Назаримизда, қайта қуриш ва истиқлол жараёнлари Ю. Шоназаров интилишлари учун катта имкониятларга йўл очди. Унинг XX асрнинг 20-30-йилларидаги ўзбек ва тожик романларида характер яратиш тамойилларига оид номзодлик рисоласида ўтган аср боши насрида реалистик эпик тажрибалар, роман жанрига оид изланишлар, реалистик роман бадииятига оид кейинги кашфиётлар, ўзбек ва тожик романчилиги ибтидосидаги типологик муштаракликлар бўйича янгича илмий-эстетик қарашлар илгари сурилади. Тадқиқот йирик ўзбек адабиётшуноси, академик Салоҳиддин Мамажонов ва профессор Ҳайитбой Мирҳайдаровлар илмий раҳбарлигида 1992 йил 26 июнда ҳимоя қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси қошида янги ташкил этилган Олий Аттестацион Комиссия томонидан (1993 йил 28 апрел) тасдиқланди.

Даҳо ва мумтоз сўз санъаткорлари бадиий олами шундай уммонки, унинг сиру синоатлари, кашфиётлиги илдизи ва кўламлари, беқиёс эстетик таъсир қудратини ўрганиш ва талқин қилиш ҳеч қачон якун топмайди, ҳар бир замон ўзига қабул қилади, бу мўъжизали жараён эса, абадий давом этаверади. Назаримизда, ўзбек адабиёти пешонасига битган даҳо ижодкорларнинг олдинги сафида XV асрда Мир Алишер Навоий турган бўлса, XX аср бошларида, шубҳасиз, Абдулла Қодирий турарди.

Номзодлик рисоласи мавзуси тақозоси билан адабиётшунос ва мунаққид Ю. Шоназаров ана шу жараённи мукаммал кузата борди ва қизғин киришиб кетди. Воқеан, унинг “Яна Солиҳ Махдум ҳақида” баҳс мақоласи “Меҳробдан чаён” романидаги Солиҳ Махдум характерини оқлаш ва қоралаш баҳсига ғоят ўринли ва илмий мантиқли якун ясади. Мўъжазгина мақола устоз номини ўша давр қодирийшунослиги(танқидчилиги)га қўшди.

Қодирийшунос Ю. Шоназаров гўё мумтоз адиб романлари бадиияти ҳақидаги илмий хулосаларини кўпчиликка маълум қилишдан олдин уларгача яратилган асарлари бадииятини мукаммал ўрганиб, сўнг романларининг муҳташам бадиияти талқинларини бошлагандай бўлади. 2000 йилда эълон қилинган “Мумтоз тасвирнинг юксак бадиияти” мақоласининг 2-кичик ёки ички сарлавҳачаси “Зайнаб образининг сиру синоатлари” деб қўйилган. Унда тадқиқотчи “Ўткан кунлар” романи бош қаҳрамонларидан бири Зайнаб характерини ижобийлаштирувчи талқинлардаги баҳсли ва хом қарашларни жиддий инкор этиб, мазкур характер моҳиятини ўзгача кўрсатиб беришга уриниш қилган.

Заҳматкаш адабиётшунос Қодирий бадииятининг нисбатан янги қирралари таҳлил ва талқинлари орқали мунтазам, қунт ила, ибратли илмий ҳалоллик билан машғул бўлиб келади. Қодирийнинг тожик тили унсурларини қўллаш маҳоратига оид мақолалари 2008 йил Хўжанд шаҳрида ўтказилган “Рўдакий ва тожик тилининг маданиятлар мулоқотидаги ўрни” мавзусидаги халқаро симпозиумидаги маърузасига асос бўлди.

Қирғизистон Республикасининг Сулукта шаҳрида уюштирилган минтақавий илмий анжуманларда (2008, 2009) “Қодирий ижодида детективлик” мавзуларида маърузалар қилди.

Устоз Ю. Шоназаров талабаларга тавсия этадиган курс, диплом ишлари, битирув рисоласи, турли илмий маърузалар мавзуларини Қодирий ижодининг янги қирраларини ўрганиш доирасидан белгилайди. Бажарилган ишлар янгилиги, илмий қиммати ва долзарблигини устоз ва ҳамкор адабиётшунос олимлар қониқиш билан қайд этадилар.

Қодирийшунос кўп йиллик илмий изланишларини катта ҳажмли “Қодирий насри бадиияти” рисоласида умумлаштириб, нашрга тайёр қилиб қўйган. Эртами-кеч, албатта, мухлислар қўлига етиб боражак.

Устоз Юсуфали Шоназаров мумтоз адиб Қодирий ижоди билан қизғин шуғулланиш жараёнида бадииятни қадрловчи мунаққид сифатида камол топди.

Кейинги даврда у учун янги майдон пайдо бўлди. Бу – Тожикистондаги ўзбек адабий жараёни ва унинг вакиллари ижоди. Дастлаб Суғд вилояти ўзбекзабон адабиётига оид умумий ва баҳс мақолалар, турли тақризлар яратилди. Кўпчилиги адабий жамоатчиликда қизғин муносабат уйғотди. Масалан “Адабий жараённинг баланд-пастликлари” муаммоли мақоласи (2008) вилоят адабий ҳаётига кучли туртки берди, илк бор катта ва кичик нуқсонларга аниқ ва кескин муносабат билдирилди.

Сермаҳсул ва жонкуяр мунаққид республика ўзбекзабон адабиёти масалаларига ҳам мурожаат этиб келади.

Мунаққиднинг “Асқар Маҳкам” адабий портрети (Хўжанд, 2003), “Адабий танқид маъсулияти” (Хўжанд, 2010), тўплами “Болафеъллик инжулари” (Хўжанд, 2011), “Шоир шеър ўқияпти...” (Душанбе, 2017) бадиҳа китобчалари адабий танқидимиз бўшлиғини тўлдиришга хизмат қилмоқда. Кейинги бадиҳа тадқиқотлари мумтоз болалар шоири Султонмурод Ҳожибоев ва халқоналик оқимининг пешқадам вакили Ёқубжон Очилов ҳаёти ва ижодига оид илмий-оммабоп нашрлардир.

Устознинг адабий-танқидий хирмонида ориф шоир ва таржимон, мунаққид ва адиб Асқар Маҳкам ижоди ва шахсиятининг таҳлил ва талқинлари алоҳида нурли саҳифани ташкил этади. Таниқли давлат, жамоат ва фан арбоби, Суғд вилояти ўзбеклар жамияти асосчиси, фалсафа фанлари доктори, марҳум устоз Ҳомид Пўлотов ҳомийлигида нашр этилган, юқорида тилга олинган 120 саҳифалик адабий портретда А. Маҳкамнинг ҳасби ҳол шеърлари, ижоди босқичлари, услубий хусусиятлари, сўфиёна шеърияти ва достонлари ҳам илмий-эстетик, ҳам адабий-танқидий тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда устоз Юсуфали Шоназаров ўрта умумтаълим муассасаларида Тожикистон ўзбекзабон адабиёти таълими масаласига оид методик мақолалар ёзишдек янги соҳага қўл ура бошладилар. Ҳаммуаллифликда 8 ва 11-синфлар учун “Адабиёт” ўқув қўлланмалари яратишда етакчи бўлди. 11-синф учун “Адабиёт” дарслиги қўлёзмаси Маориф ва илм вазирлиги томонидан қабул қилинган ва нашрга тавсия олган.

Адабиётшунос ва мунаққид Ю. Шоназаров ижодий камолот палласида. У ҳозиргача ўнта рисола, китоб, илмий мажмуа ва ўқув қўлланмалар, 70 та илмий ва 80та оммабоп мақолалар яратган. Хабар, лавҳа, мақола каби журналистика материаллари булардан мустасно. Номи Хўжанд шаҳри, Хўжанд Давлат университети, Қайроққум шаҳри, Ашт ноҳияси ва Қодирий қомусларига киритилган. Устозга бағишлаб ўнлаб мақолалар эълон қилинган.

Устознинг қизлари Замира, Шоиста, Мунира, Муҳайё олий маълумотли муаллималар, Шамсия педколлеж талабаси. Катта ўғли Шоҳрух университетнинг телекоммуникация факултетида сиртдан ўқимоқда. Кенжа ўғли Тошпўлат 6-синфда ўқийди. Фарзандларини тарбиялаб камолотга етказишда умр йўлдоши Худо раҳматли Қамара опанинг ҳам хизматлари беқиёс эди, албатта.

Устоз мақтовни, ўзини тарғиб қилишни асло хушламайди. Ахмоқ ўзини мақтар, яхшини биров мақтар қоидасини мезон қилиб олган устознинг, ҳатто, олтмиш бир ёшдан ўтганини сезмай қолибмиз.

Юсуфали Шоназаров мустақил Тожикистонимиз илми равнақи йўлида ҳормай-толмай заҳмат чекиб келаётганлигидан шогирдлари ифтихор ҳисси туяди.

*Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ,*
*филология фанлари номзоди, доцент.*
*Баҳромжон ЖАББОРОВ,*
*филология фанлари номзоди, доцент.*

Очерк

### Ҳаловатсиз тунлар

Тун яримдан оғганда ҳам кўзига уйқу келмади. У ёнига ағдарилди, бу ёнига ағдарилди, ёстиқни пастлатди, баландлатди. Қани энди, кўзлари юмилса-ю ухлаб қолса! Йўқ, кўзини юмди дегунча, бошига устма-уст томчилар келиб урилар, лўқиллаётган боши ёрилгудай эди. Нима қилсин?! Бошини кўрпага ўраса ҳам, совуқ томчилар миясини тешгудай муттасил келиб уриларди. Тезроқ тонг отса эди! Тонг отса... тонг отса... томоғидан бир пиёла чой ўтмасдан, яна мактабга шошадими? Йўлини умид билан пойлаб синфларига кириш-кирмасликларини билмай турган ўқувчилар кўзларига қандай қарайди? Ана, кеча мактаб остонасидан ўтмасданоқ муаллималардан бири арзу ҳол бошламадими? «Кеча мактабга келмаётган ўқувчиларнинг уйларига боргандим. Тушунган айрим ота-оналар майли, ўқувчингиз эртага мактабга боради, дейишди. Лекин ўқувчиларимдан биттасининг онаси индамай мени уйига бошлаб кирди-да, тўшакка ўраниб ётган қизини кўрсатиб, портлаб кетди: «Туни билан на у ухлади, на мен. Хайрият, келиним ҳамшира, икки марта укол қилди. Бўлмаса, иссиқ ўтида ёниб кетарди. Бугун беморхонага ётқизамиз. Томидан тўхтовсиз чакка ўтиб турган синфда шамоллайди-да. Билмадим, сизлар қаерга қарайсизлар? Директорларингни томидан чакка ўтмайди-да, шиферлаб қўйган...» У тўсатдан тилини тишлаб қолган ўқитувчига савол назари билан қаради. «Гапингизнинг давомини айтмайсизми? Биламан, ўша аёл айтган гапнинг давомини нега айтмаётганингизни. Мени кўнгли оғрийди, деб ўйлаяпсиз. Тўғрими? Қўрқманг. Менинг ўзимга ҳам юзингда кўзинг борми, демасдан айтишган. Жарақ-жарақ пулни санаб оляпсанми, уддаласанг директорлик қил-да, дейишган. Минг аламим келса-да, томоғимга аччиқ бир нарса тиқилса-да, ўзимни босганман. Чунки ота-оналар ҳақ!»

Муаллимага айтган бу гапларини эслар экан, Янишой мактаб томидан чакка ўтаётганига норози ота-оналарга айта олмаган гаплари хаёлидан ўтди. Мактаб томи битум билан ёпилиши, лекин қурилиш бошида турган одамми ё ишни лойиҳада кўрсатилгандай бажармаган одамми - кимнингдир айби билан, мана, энди чакка ноғорабазм қиляпти. Сифатсиз ёпилган томдан ўтаётган чаккани тўхтатишнинг иложини топишолмади. Бир ҳафта илгари шовиллаб қуйган ёмғир бутун синфхоналарда кўлга айланибди. Агар яна бир марта ўшандай қаттиқ ёмғир ёғса борми? Нима қилиш керак? Фақат битта илож бор – имкони борича тезроқ томни шифер билан ёпиш зарур! Лекин шиферлаш учун қурилиш ашёларига, усталарга қаердан пул

# ТОНГГА ИШОНИБ ЯШАМОҚ БАХТИ




топиш мумкин? Қачондан буён мактаб таъмири учун маблағ ажратилмаётган бўлса?! Лекин кимгадир ишониб, кимнингдир мурувват кўрсатишини кутиб ўтиришса, эртаиндин мактаб поли чириб, деворлар нурай бошламайдими? Кейин одамлар нима дейди? Фалончи директорнинг даврида, унинг уқувсизлиги, эътиборсизлиги туфайли замонавий мактаб биноси тамом бўлди, дейишмайдими? Майли, дейишса-дейишар. Оғзига кучи етмаганлар нималарни валдирашмайди? Лекин минг нафардан ортиқ ўқувчилар-чи? Улар қаерга бориб ўқишади? Ўқитувчилар-чи? Улар қаерга бориб ишлашади? Қаерга? Аҳил-иноқ, мамлакат келажаги – болалар таълим-тарбияси учун бирдай жон куйдирадиган муаллимлар жамоаси тарқалиб кетадими? Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Иложини топиш зарур! Шарт!

«Так-так, так-так, так-так». Янишойнинг бошига урилаётган томчилар кўпайди, кучайди. Минг ўйламасликка уринмасин, кўзига заррача уйқу келмади. Энди тун қора пардаларини йиғиштираётган паллада юзини совуқ сув билан ювар экан, фикри тиниқлашди: «Ота-оналарга мурожаат қилиш зарур! Ахир, улар ҳам фарзандларининг келажагини ўйлашади-ку! Қачон лойиҳа тузилади, қачон у кўриб чиқилади, қачон томни ёпиш учун пул ажратилади, деб кутиб ўтиришса, чакка томдан элакдан элагандайин ёғилади.

Тун ортида ёруғ тонг бор. Тонг отишига ишонган, ёруғликка интилиб яшаган киши ҳеч қачон тушкунлик исканжасида қолиб кетмайди. Ота-оналар мажлисида мактаб томини тўлиқ таъмирлаш, шифер билан ёпиш ҳақидаги масала кўпчиликни эътиборсиз қолдирмади. Ота-оналар ёрдам беришга аҳд қилишди. Ўша пайтдаги мактабнинг ота-оналар қўмитаси раисаси Замира Аҳмаджонова енг шимариб ишга киришди. У мактаб директори Янишой билан бирга ота-оналарни мактаб томини тезроқ шифер билан ёпиш йўлида бирлаштира олди. Томни ёпиш учун эса, озмунча шифер кетмади. Икки минг дона! Том ёпиш босқичма-босқич олиб борилди. Мактаб биносининг шифер билан ёпилган қисми таъмирланар, кейинги қисмида эса, шиферлаш бошланарди. Шу тариқа мактаб томи тўлиқ шифер билан ёпилди ва айни пайтда бино сифатли таъмирдан чиқарилди.

- Ўша кунларда мактаб биносини қуриш учун жонкуярлик қилган инсонлар ҳам кўз ўнгимдан ўтаверди, - дейди Янишой Пардаева. – Айниқса, у пайтлари Калинин номли колхозга раислик қилган ишбилармон инсон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Имомназар Хўжаназаров қаршимда тургандай, эл болалари ўқиётган мактаб биносини асраб қола олармикансан, дея савол бераётгандай бўлаверарди.

Эндиликда Янишой ҳар қандай синовчан, ўткир нигоҳга бошини баланд кўтариб қарай олади. Ўша уйқусиз тунлардан сўнг, уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Томдан чакка ўтмайди. Мактаб томини шифер билан ёпиш, бинони таъмирлашда ёрдам берган инсонлар - ўша пайтдаги Ошоба қишлоқ жамоати раиси Ашурали Деҳқонов, тадбиркор, раҳматли Йигитали Юнусов, Еттитепа мавзеидаги деҳқон хўжаликлари бошлиқлари, ота-оналарни миннатдорчилик билан эслайди...

### Эъзозлаган эъзоз топар

- Муаллима, сизни сўраб келишибди.

- Айтинг, кираверсинлар, - деди Янишой эшик олдида турган ёш ўқитувчига.

Ичкарига ўттиз ёшлардаги ёш аёл қимтинибгина кириб, салом берди. Янишой кўрсатган курсига ийманибгина ўтириб, кўзини столдан узмасдан тураверди.

- Келинг, синглим. Менга хизмат бор эдими?

- Муаллима, нима десам экан, - ёш аёл шу сўзларни айтди-да, жим қолди.

- Синглим, сиз тортинманг, - Янишой сўзлаётиб, аёлга бир қур назар ташлади. -Азоб тортган кўринади. Нимага айтмоқчи бўлган гапини ичига ютяпти? Наҳотки, одамларга ишонмай қўйган бўлса?!. Синглим, кўзимга иссиқ кўриняпсиз. Лекин танимайроқ турибман. Гапингизни айтаверинг. Қўлимдан келса, ёрдам бераман.

- Мен Дилфуза. Дилфуза Холиқоваман. Аслида шу тарафлардан бўламан. Инглиз тили ўқитувчисиман. Иш сўраб келгандим. Лекин...

Дилфузанинг негадир кўзлари ёшланиб, ўзига саволчан, лекин меҳрибон нигоҳ билан қараб турган мактаб директорига бошига тушган савдоларни ҳикоя қилгиси келди.

... У Душанбеда ўқиётганда фуқаролар уруши бошланиб қолибди. Лекин тинчиб қолар, деб ўқишни ташлаб келишга кўзи қиймабди. Тақдир экан, ўша ерда турмуш қурибди. Учта фарзанди бор экан. Лекин тақдир яна Ашт томонларга қайтибди. Ишламаса, бўлмас. Йўқса, болалари оч қолиши мумкин экан. Лекин бор ҳужжатлари уруш пайтида йўқолиб кетибди...

Янишой Дилфузанинг сўзларини тинглар экан, кўз олдида онасининг йўлига у нон, егулик олиб келармикан, деб термулиб ўтирган болалар гавдаланди. Дилфузага жуда-жуда ёрдам бергиси келди. Устига-устак, мактабга чет тили ўқитувчиси зарур. Лекин унинг ҳужжати йўқ бўлса, маориф бўлимидагилар рози бўлишармикан?

Боши қотиб қолди. Ўйланди. Шу лаҳзалар мактаб директорининг қонун олдидаги масъулияти билан она, аёл кўнгли баҳслашарди. Ҳужжати йўқ бўлса, ишга олсанг, гапнинг тагида қолиб кетасан, дерди директор. Ишламаса, меҳнат ҳақи олмаса, бу шўрлик аёл болаларини қандай боқади, агар болалар...

Ниҳоят, директор бир қарорга келди. Дилфузани мактабга ишга олади. Фақат синов шарти билан.

Янишой Дилфузанинг яшаш шароити билан танишар экан, унинг яшашга уй-жойи йўқлиги маълум бўлди. Ўзи ҳаракат қилиб, ижарага уй топиб берди. Ёш муаллиманинг ўз ишини яхши билиши, малакаси, болаларга таълим-тарбия бериш учун жон куйдиришини кўриб, унга ёрдам бера бошлади. Айнан мактаб директорининг елиб-югуриши билан Дилфуза Холиқовага уй қуриш учун томорқа ажратилди.

- Айтинг, уйида ҳаловати, тинчи бўлмаган, болаларини яхши кийинтириб, яхши едира олмаётган қайси бир ўқитувчининг иши самарали бўлади? Дарс пайтида ақлу ҳуши ўз муаммолари билан банд бўлмайдими? Шунинг учун мактаб директори ҳар бир муаллимнинг қандай яшаётганлиги билан қизиқиши, иложи борича ёрдам бериши зарур, - дейди узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, мулоҳаза юритар экан Янишой.

У Ленинобод Давлат педагогика институти (ҳозирги академик Бобожон Ғафуров номли Хўжанд Давлат дорилфунуни)ни битириб, жуғрофия фани бўйича ихтисос эгаллади. Мактабда иш бошлаганига ҳам ўттиз беш йил бўлиб қолибди. Унинг ташкилотчилик, раҳбарлик қобилиятини англаган Ашт ноҳияси маориф бўлими раҳбарлари мактаб директори вазифасига тайинлашди. Йиллар ўтиб кетаверар экан, бу вазифада салкам йигирма йил ишлабди.

Янишойни фақатгина у ишлаётган мактаб ўқитувчиларигина эмас, балки ота-оналар, ўқувчилар ҳам эъзозлашади. Меҳнати ардоқланиб, Тожикистон Халқ маорифи аълочиси кўкрак нишонига сазовор бўлган...

### Хотима яна дебочага уланади

Узоқ йиллар Янишой Пардаева сарварлик қилган А. Исмадиёров номли 49-ўрта умумтаълим муассасаси тарихи ошобаликлар томонидан Еттитепа мавзеини ўзлаштиришга бориб тақалади. Янги ерларни ўзлаштираётган кишиларга мўлжаллаб Марҳамат шаҳарчаси бунёд этилар экан, уларнинг фарзандлари учун мактаб қурилиши режалаштирилди. Қурилиш 1986 йилда бошланди. Мактаб битгунча болалар турар жойлар учун мўлжаллаб қурилган биноларда ўқишди. Ўша пайтда мактаб саккиз йиллик эди. 1988 йилда янги мактаб ўз эшикларини очди.

Кейинчалик Марҳаматда 6-гимназия ташкил этилди ва ўқувчиларнинг қарийб ярми бу таълим даргоҳида таҳсил ола бошлашди. Ҳозирги вақтда 49-ўрта умумтаълим муассасасида 50 нафардан ортиқ ўқитувчи 630 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Муаллимларнинг ҳаммаси олий маълумотга эга. Улардан икки нафари – она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси Комила Ўсарова ва жисмоний тарбия муаллими Жамшид Эркабоев Тожикистон Халқ маорифи аълочиларидир.

Илм олишга чанқоқлик, танлаган касбни пухта эгаллаш учун интилиш ҳар йили ўнлаб битирувчиларни олий ўқув юртлари томон бошламоқда. Биргина ўтган йили мактабни битирган 14 нафар ўқувчи мамлакатимиз ва Россиядаги олий ўқув юртлари ҳамда коллежларга ўқишга киришди.

Яқинда мактаб аҳли Янишой Пардаевани тантанали тарзда нафақага кузатди. Вақтида мактабда дарс берган тажрибали педагоглар – Мирзабобо Тиллаев, Мирзаабдулло Холдоров, Абдуллажон Назматов, Абдумутал Жуманов, Мамасоли Исмоналиев, Равшаной Сатторова, Охунжон Маматқулов, Аҳмаджон Ҳошимов, Икромали Муталлибов, Мелибой Ашурматов, Тоштемир Умаров, Иброҳим Воҳидов, Ўғилой Йўлдошева, Умриниса Рўзматова кабилар Янишой томонидан қанчалик эъзозланган, уларнинг мактаб, марҳаматлик болалар таълим-тарбияси учун сингган меҳнатлари қанчалик қадрланган бўлса, эндиликда ўрта ёшли ва ёш ўқитувчилар унинг ўзини шунчалик эъзозлаб, қадрлашмоқда.

Ҳар ишнинг бошланиши бўлганидек, хотимаси ҳам бор. Эндиликда ёши улуғ Янишой Пардаева меҳнати роҳатини кўриб, дам олиш ниятида.

- Биз Янишой опани яна мактабга чақириб оламиз. У кишининг куч- ғайратлари, билимлари, тажрибалари ёш авлод тарбиясига кўп асқотади. Янишой опанинг ёнимизда бўлишлари эса, ҳар биримизга далда, куч беради, - дейди мактабнинг янги иш бошлаган директори Баҳромжон Ашурматов.

Демак, умрини маорифга, ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган Янишой Пардаева жонажон мактабига «хайр», деб кетмаган экан. «Кўришгунча», деган. шундай экан, ҳадемай, хотима дебочага қучоқ очади.

***Ўринбой УСМОН,***
***Ашт ноҳияси.***

---

**СМС**

**СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ**

Тел: 918-61-99-71

===== Мамлакатимизда =====

--------- *Футбол* ---------

### "ИСТИҚЛОЛ" ҒАЛАБАСИ

Душанбенинг "Истиқлол" футбол жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубоги-2017 гуруҳ босқичининг учинчи туридаги "D" гуруҳида Қирғизистон чемпиони "Олой" футбол жамоасини 3:1 ҳисобда мағлубиятга учратиб, ғолиб бўлди. Ўйин Душанбе шаҳридаги республика марказий стадионида бўлиб ўтди.

Ҳисобни биринчи таймнинг сўнгида "Истиқлол" ярим ҳимоячиси Нуриддин Давронов очиб берди.

Ўйиннинг 59 дақиқасида меҳмон жамоа ҳужумчиси Алиа Силла ҳисобни тенглаштирди. "Истиқлол"нинг ганалик легионери 68-дақиқада, Дилшод Восиев эса, 89-дақиқада яна биттадан гол киритишди.




Уч босқич натижаларидан кейин "Истиқлол" 7 очко билан биринчи, "Олтин Асир" 7 очко (голлар мутаносиблиги бўйича) иккинчи, "Дордой" 3 очко йиғиб, учинчи ва "Олой" очкосиз тўртинчи ўринларни эгаллашди.

Осиё футбол конфедерацияси кубоги-2017 гуруҳ босқичининг тўртинчи тури 3 майда бўлиб ўтади. Бу кунда "Истиқлол" "Олой" меҳмонлигида, "Олтин Асир" эса, ўз майдонида "Дордой" билан учрашув ўтказади.

### УЧРАШУВЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТКАЗИЛАДИ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳида футбол бўйича (U-19) 19 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё-2018 чемпионатига қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Қуръа натижаларига кўра, Тожикистон ёшлар футбол терма жамоаси (U-19) "B" гуруҳидан ўрин олиб, Ўзбекистон, Бангладеш, Шри-Ланка ва Молдова терма жамоалари билан учрашув ўтказадиган бўлди. Осиё-2018 чемпионатининг саралаш мусобақалари Тожикистон, Ўзбекистон, Бангладеш, Шри-Ланка ва Молдова терма жамоалари иштирокида жорий йилнинг 31 октябридан 8 ноябрига қадар мамлакатимизда бўлиб ўтади.

--------- *Дзюдо* ---------

### ОМАД КУЛМАГАН МУСОБАҚА

Жорий йилнинг 15-16 апрел кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ёшлар ўртасида дзюдо бўйича Европа кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада 17та давлатдан 290 нафар спортчи иштирок этди. Булар орасида Тожикистондан 13 нафар спортчи бор эди. Афсуски, спортчиларимиз бу мусобақада бирорта ҳам медални қўлга кирита олишмади. Сомон Маҳмадбеков (-66 килограмм), Ёқубжон Назиров (-90 кг) ва Темур Раҳимов (-100 кг) бешинчи ва Суҳроб Боқиев (-60 кг) етинчи ўринларни эгаллашди.

Жамоалар ҳисобида россиялик спортчилар 24та медал (5та олтин, 6та кумуш, 13та бронза) билан биринчи ўринга эгалик қилишди. Япония давлати вакиллари эса, 9та медал (4та олтин, 1та кумуш, 4та бронза) қўлга киритиб, иккинчи, францияликлар 8та медал (3та олтин, 1та кумуш ва 4та бронза) билан учинчи ўринга кўтарилишди.

Ҳамюртларимиз учта бешинчи ва битта еттинчи ўринга эгалик қилиб, тўққизинчи ўринни ишғол этдилар.

======= Жаҳонда =======

--------- *Шаҳмат* ---------

### "KORCHNOI OPEN" ТУРНИРИ ЯКУНИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида машҳур швейцариялик гроссмейстер Виктор Лвович Корчной хотирасига бағишланган турнирнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Мусобақанинг биринчи босқичи 12-16 апрел кунлари бўлиб ўтган эди. Бу босқичда шаҳмат усталари ҳар бир партияга 10 дақиқа, юриш учун қўшимча 5 дақиқа вақт ҳудудида беллашишди. Ҳар бир ютуққа 1 баллдан, дурангга эса, ўз ҳисобларига 0,5 баллдан қайд этиб боришди.

Шундай қилиб америкалик шаҳмат устаси Х. Накамура 21дан 15 балл йиғиб, 1-ўринни эгаллади. Ян Непомняший 14 балл тўплаб, 2-ўринни забт этди. 3-ўринни Вишванатан Ананд эгаллади.

"Korchnoi Open" мукофоти 7дан 5,5 балл йиққан озарбайжонлик Элтаж Сафаралига насиб этди.

--------- *Марафон* ---------

### ТАРИХДАГИ ЭНГ ЯХШИ ИККИНЧИ НАТИЖА

Кениялик югурувчи Мэри Кейтани анъанавий Лондон марафони ғолибига айланди. У масофани 2 соату 17 дақиқа ва 1 сонияда босиб ўтди. Бу эса, аёллар марафони тарихидаги иккинчи энг яхши натижа (эркак-пейсмейкерлар ёрдам бермаган мусобақалар бўйича рекорд натижа) ҳисобланади.




Жаҳон рекорди британиялик Пола Рэдклифф (2:15.25) томонидан 2003 йилда ўрнатилганди. Аммо унга ўшанда эркак-пейсмейкерлар (ўрта ва узоқ масофаларда темп қўшишга ёрдам берувчи эркак югурувчилар) ёрдам беришганди.

Кейтани учун бу Лондон марафонидаги учинчи ғолиблик саналади. У 2011 ва 2012 йилларда ҳам марафон ғолибига айланган. У, шунингдек, Ню-Йорк марафонида икки марта маррага биринчи бўлиб келган.

Лондон марафонида бу йили Тирунеш Дибаба (Эфиопия, 56 секунд фарқ), ва Аселефех Мерджиа (Эфиопия, +6.07) иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақада кениялик Даниэл Ваниру (2:05.48) биринчи бўлди. Иккинчи ўринни эфиопиялик Кененис Бекеле (+9 секунд), учинчи ўринни эса, кениялик Бедан Кароки (+1.53) эгаллади.

Лондон марафони 1981 йилдан буён ўтказиб келинади.

***"Халқ овози"нинг спорт шарҳловчиси.***

---

**МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ, ВАТАННИ**

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Жорий йилнинг 7 апрел куни, тонг саҳарлаб, Панж ноҳия ҳарбий комиссариати биноси олдида юрагида ўти бор шижоатли йигитларни она-Ватан хизматига кузатиш муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Панж ноҳияси раиси ўринбосари Мариям Шарипова, ноҳия ҳукумати умумий бўлим мудири Миржон Мирзоев, ноҳия ҳарбий комиссариати бошлиғи, подполковник Дилшод Валиев, "Намуна", "Меҳвар", "Озодагон", "Нури Ваҳдат" қишлоқ жамоатлари раислари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, ОАВ намояндалари, хизматни ўтаётган аскарлар, ҳарбий хизматга чақирилган ёш йигитлар ҳамда ота-оналар қатнашдилар.



Йиғилганлар олдида Панж ноҳияси раиси ўринбосари М.Шарипова сўзга чиқиб, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмоннинг ёшлар учун доимо ғамхўрлик қилаётганлиги борасида гапириб, 2017 йил - Ёшлар йили, деб эълон қилиниши бунинг исботи эканлигини таъкидлади. Шунингдек, тадбирда иштирок этган ноҳия ҳарбий комиссари Дилшод Валиев, офицерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ота-оналар сўзга чиқишди. Хизмат қилаётган аскарлар номидан Мардон Мавлонов, Абдукарим Валиевлар ҳам сўзга чиқиб: -Ёшлар учун армияда барча шароитлар муҳайё қилинган. Бунинг учун Тожикистон Республикаси Ҳукумати, айниқса, ёшларимиз ғамхўри бўлган Президентимизга ўз миннатдорчилигимизни баён этамиз, - дедилар. Тантанали йиғилиш жараёнида ноҳия ҳарбий комиссариати томонидан бўлажак аскарларга эсдалик совғалар топширилди. Тадбир охирида ноҳия маданият уйининг бир гуруҳ санъаткорлари йиғилганлар олдида катта концерт дастури билан чиқиш қилдилар. Она-Ватан хизматига йўл олган йигитлар нуроний ота-оналар дуоси билан ҳарбий хизматга жўнаб кетдилар.

***Абдулфайз МИМАТОВ, "Халқ овози".***

---

# ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ҲАМ ҲУНАР

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари мамлакат парламентига йўллаётган Паёмларида таълим муасссасалари ва уларда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш борасида ҳам дастуру йўналишлар бериб келмоқдалар. Шунингдек, Миллат пешвоси томонидан 2017 йилни Ёшлар йили, дея эълон қилиниши ёшлар таълиму тарбиясида барчага, айниқса, биз педагогларга юксак масъулият юклайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, ўзимнинг кўп йиллик тажрибам асосида тўпланган фикр-мулоҳазаларимни севимли газетамиз «Халқ овози» орқали баён этиб, заррача бўлса ҳам юртимиз маорифи ривожига ўз ҳиссамни қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳис этган бўлардим.

Инсон нутқи унинг тафаккури, мушоҳадакорлиги, ҳиссиёти, тасаввуроти билан янада ривожланади. Ўз фикрини тўғри ва қисқача баён этиш маҳорати муаллим дарсларида шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Шунга кўра, мактаб муаллимлари инсоният тарихи ва бошқа фанлар қаторида талабаларнинг тўғри сўзлаш, яъни нутқи ривожига алоҳида эътибор беришлари жуда муҳимдир. Бу борадаги вазифалар, энг аввало:

1.Тарихий мавзуларни чуқур, тўла, тушунарли ҳамда аниқ баён этишдан;

2. Мавзу баёнини узмасдан уларни бир-бирига хослиги, факту рақамларни лозим бўлган мисоллар билан шакллантириш ва якунлаш;

3. Ўз фикрини изҳор этиш пайтида нутқнинг равонлиги, сўзларнинг тўғри танлаб олингани;

4. Тилнинг софлиги, ўзига хослиги қоидаларига риоя этиш ҳамда кўчалардаги оддий сўзлашувлар ва одамлар орасидаги шевалардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор беришни талаб этишдан иборатдир. Шулардан сўнг, тарих фани муаллими талабалар нутқини ривожлантириш ва унинг барча тингловчилар томонидан тушунарли бўлиши учун:

а) Тарих фани ва унинг энг сўнгги ютуқлари баён этиш йўлларини ўрганиш;

б) Тарихий воқеаларга ўз муносабатини билдириш ва ана шу тадбирни тўғри ифода эта олиш;

в) Ўзбек тили луғатларидан кенг фойдаланиши жуда ҳам муҳимдир.

Ана шу сифатларга эга бўлган муаллимгина талабалар ва суҳбатдошлар эътиборини ўзига жалб эта олади.

Бешинчи-саккизинчи синфлар муаллимлари оммавий фойдаланишда тор доирага эга бўлган тарихий сўз ва терминларни танлаб олиб, юқори синфларда улардан кенг фойдаланишлари мумкин. Бунда муаллим энг аввало, талабалар эътиборини дарслик китобида мавжуд бўлган тарихий воқеаларга қаратиши мантиқан тўғридир. Бунда талабалар эътиборини тарихий сарчашмаларга қаратиб, ёшлар нутқининг равонлиги ва тўғри талаффуз этилишига эришилади.

Муаллим ўз дарси давомида мавзуни баён этишнинг бир қатор йўллари ҳамда билим манбалари, жумладан, қисса, тасвир ва шарҳлаш каби йўлларидан кенг фойдаланиб, инқилобгача ва Шўролар даврининг тилшунослари энг яхши нутқларидан намуналар келтириши лозим. Чунки бу борадаги таъсирчан нутқ талабалар эътиборини ўзига жалб этади. Луғат имкониятларидан кенг фойдаланишга ёшларни даъват қилиш тарихий воқеалар мазмуни ва шаклларини тўғри тушуниш имконини беради.

Ана шу йўллар бўйича муаллимнинг дарс ўтиш пайтидаги нутқ маҳорати ўқувчилар нутқи тараққиётини ҳам кенг ривожлантиради. Шунга кўра, тарих фани ўқитувчилари ўзларининг эътиборга лойиқ нутқи, ибораларни тўғри талаффуз этиш маҳорати билан ўз шогирдлари маънавий тарбиясига катта ҳисса қўшишади.

Сўзим охирида ёшларимиздан шу азиз Ватанимизда яратилган барча шарт-шароитлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, илм чўққиларини жадаллик билан эгаллаб, келажакда шу Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишларини, бунинг учун ўтаётган ҳар бир соату дақиқаларини беҳудага ўтказмай, устозлар томонидан берилаётган сабоқларни пухта ўзлаштиришлари лозимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ана шундагина кўзланган мақсад, обод келажак ҳақиқий бунёдкорлари бўлиб етишадилар.

***Шоира УБАЙДУЛЛОЕВА,***
***Турсунзода шаҳридаги 32-ўрта умумтаълим муассасаси ўқитувчиси.***

√ Франция

# Дастлабки натижаларга кўра - Макрон ғолиб

Францияда ўтган президентлик сайловларининг 1-босқичида "Олға" ҳаракати асосчиси Эммануэл Макрон "Миллий фронт" партияси етакчиси Марин Ле Пендан ўзиб кетди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 26,1 миллионта овоз бериш бюллетени (70 фоизга яқин) ҳисоб-китоб қилингандан кейин, Макрон 23,75 фоиз, Ле Пен эса, 21,53 фоиз овоз олди.

Шунингдек, Франсуа Фийон 19,91 фоиз, Жан-Люк Меланшон эса, 19,64 фоиз овоз тўплаган.

Макрон ўзининг ғалаба қилганини эълон қилди ва икки ҳафтадан кейин барча французларнинг Президенти бўлиш истагини таъкидлаб ўтди. Макрон, шунингдек, 1-босқичда мағлуб бўлганларини тан олиб, унга қўллаб-қувватлов билдирган рақибларига миннатдорчилик билдирди.

- Мен Франсуа Фийон ва Бенуа Амондан қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорман, - деб айтди Макрон.

- Эртадан бошлаб, мен барча французларни бирлаштириш кампаниясини бошлайман, - деб қўшимча қилди ғолиб.

Шунингдек, Франция Президенти Франсуа Олланд Макрон билан боғланиб, уни ғалаба билан табриклади.

Елисей саройида Олланд яқин фурсатларда сайловларнинг




1-босқичи натижалари бўйича расмий баёнот билан чиқиши таъкидлаб ўтилди.

Президентлик сайловларининг 2-босқичи 7 май куни бўлиб ўтади.

√ КХДР

# «Карл Винсон»ни чўктириб юбориш таҳдиди

Шимолий Кореядаги давлат нашрлари АҚШнинг Корея ярим ороли ҳудудига келтирилган «Карл Винсон» авиаташувчисини битта зарба билан чўктириб юбориш режаси ҳақида ёзмоқда.



«Reuters» агентлиги хабарига кўра, 23 апрел куни Шимолий Корея расмийлари АҚШ авиаташувчисини чўктириб, ўз ҳарбий қудратини кўрсатишга тайёрлигини билдирган.

- «Инқилобий кучларимиз АҚШ ядровий авиаташувчисини битта зарба ёрдамида чўктиришга тайёр», - дейилган Корея меҳнат партиясининг «Нодон Синмун» газетасида чоп этилган баёнотида.

Газетада авиаташувчи «қўпол ҳайвон»га ўхшатилган.

- «Унга бериладиган зарба қуролли кучларимиз қудратининг асл намойиши бўлади», - дея таъкидланган хабарда.

Бошқа бир нашр «Минжу Чосон»да эса, «армия душманларга мислсиз зарбалар бериши ва бу зарбаларни қайтаришнинг имкони йўқлиги» ёзилган.

√ Сурия

## *«Fox News»:*

# -ИШИДнинг «пойтахти» кўчирилди

АҚШнинг «Fox News» телеканали АҚШ мудофаа вазирлигидаги манбалардан иқтибос келтирган ҳолда, ИШИДнинг Суриядаги пойтахти Раққадан Даур аз-Зўрга кўчирилганини маълум қилди.

Телеканал маълумотларига кўра, охирги икки ой давомида америкалик ҳарбийлар дронлар ёрдамида ИШИД «амалдорлари»нинг Даур аз-Зўрдан жанубда, Фрот дарёси соҳилида жойлашган Ал-Маёдин шаҳрига қочаётганларини қайд қилганлар.



Аввалроқ Сурия Президенти Башар Асад «Новости» РИА ахборот агентлигига берган интервюсида Вашингтон жангарилар Даур аз-Зўрни эгаллашларини истаётгани ҳақидаги фикрни билдирган. Унинг айтишича, бу ИШИДга Сурия армияси позицияларига путур етказишга имкон беради.




√ Германия

# «Толибон» ҳужумига қатъий жавоб қайтарилиши ваъдаси

Германия Мудофаа вазири Урсула фон дер Ляйен Афғонистон шимолидаги Балх вилояти ҳудудида жойлашган «толибон»ларга қарши жиддий ҳужум амалга оширилиши ҳақида маълум қилди.

«Пажвок» агентлигининг хавфсизлик хизматидаги манбага асосланиб берган хабарига кўра, афғон армияси аскарлари либосидаги жангарилар ҳарбий база ҳудудига бостириб кирган. Ушбу ҳужум учун жавобгарликни «Толибон» жангарилари ўз зиммасига олди.



Бундан олдинроқ Афғонистон Мудофаа вазирлиги Балхдаги ҳужум оқибатида ҳалок бўлганлар сони 140 нафардан ортиқни ташкил қилгани ҳақида маълум қилганди.

√ Сурия

# Раққа қуршаб олинди

Курд халқ мудофааси иштирокида яратилган «Сурия демократик кучлари» ҳаракатининг вакили Шоҳаншоҳ Аҳмад ИШИДнинг Суриядаги «пойтахти» ҳисобланувчи Раққа шаҳри қуршаб олинганини маълум қилди. Бу ҳақда «Firat» ахборот агентлиги хабар берди.



- «Биз ИШИД жангарилари таъминоти бўлган, Раққага олиб борувчи барча стратегик йўлларни тўсдик. Биз Раққанинг шарқий қисмини тўлиқ назорат қилмоқдамиз», - деб айтди у.

- «Табқа-Раққа» ва «Раққа-Дамашқ» йўллари устидан назорат олингани эвазига террорчилар мадад ололмайдилар. Энди улар тўрт томондан қуршаб олинганлар», - деб қўшимча қилди Аҳмад.

Аввалроқ Пентагон ИШИД ўз «пойтахти»ни Раққадан ундан 90 мил узоқликда жойлашган Даур-аз-Зўрга кўчирганини маълум қилганди. Жангариларнинг янги жойга кўчиб ўтиши АҚШга тегишли ҳарбий дронлар ёрдамида қайд қилинган.

- «Натижа аён – ИШИДга қарши курашга кўплаб давлатларнинг жуда жиддий кучлари жалб қилинган», - деб айтди Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ходими Владимир Сотников ИШИДнинг яксон бўлиши муқаррар эканлигини назарда тутиб.

√ Саудия Арабистони

# Қирол ўғли – АҚШ элчиси

- «Саудия Арабистони қироли Салмон ибн Абдулазиз ал-Сауд мамлакатнинг Вашингтондаги элчихонасига янги раҳбар тайинлади. Янги элчи қиролнинг ўғли шаҳзода Ҳолид бўлди», - деб хабар берди «Франс Пресс» ахборот агентлиги.

- «Шаҳзода Абдуллоҳ ибн Файсал ибн Туркий АҚШдаги элчиликдан олинди. Янги элчи этиб шаҳзода Ҳолид ибн Салмон ибн Абдулазиз тайинланди», - деб айтилган қирол фармонида. Шаҳзода Абдуллоҳ бу лавозимни бир йилдан сал кўпроқ вақт эгаллаган.



Жамоатчилик алоқалари бўйича Саудия-АҚШ қўмитаси раҳбари Салмон ал-Ансорийнинг маълум қилишича, шаҳзода Ҳолид Саудия Арабистони Ҳарбий-ҳаво кучларининг ИШИДга қарши коалиция амалиётларида иштирок этувчи учувчиси ҳисобланади.

Янги элчи қирол томондан 22 апрелда амалга оширилган бир қатор лавозим ўзгартиришлар доирасида тайинланди. Қирол давлат хизмати ва армия қўмондони ишлари бўйича вазирни, ахборот вазирини ўз лавозимидан озод қилди, миллий хавфсизлик марказига асос солди ва мамлакатнинг бош инвестицион бошқармасига янги раҳбар тайинлади.

√ Яман

# Етакчилар қўлга олинди

Яман армиясининг аксилтеррорчилик бўлинмаси Яман жанубидаги Хардамаут вилоятида «Арабистон яриморолидаги Ал-Қоида» террорчилик тармоғининг бир неча дала қўмондонини қўлга олиш бўйича амалиёт ўтказди. Бу ҳақда Яман Ҳукуматини қўллаб-қувватловчи араб коалицияси штабида маълум қилинди.



Мавжуд маълумотларга кўра, махсус кучлар ва коалициянинг авиацияси иштирокидаги амалиёт 22 апрелга ўтар кечаси амалга оширилган. Тезкор ҳаракатлар натижасида тармоқнинг бир неча етакчиларини қўлга олишга муваффақ бўлинган, улардан кўпчилиги бошқа давлатлардан ёлланган жангарилардир. Жангарилар Яман жанубида бир қатор террорчилик амалиётларини амалга оширмоқчи бўлишган.

Яман ҳарбийлари қўлига тушган дала қўмондонлари орасида «яманлик аз-Заркавий» сифатида маълум бўлган жангарилар етакчиси ҳам бўлган. Аз-Заркавий дейилганда, «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлими етакчиси, иорданиялик Абу Мусаба аз-Заркавий назарда тутилган. У 2006 йилда йўқ қилинган.

√ Эрон

# Аракдаги реактор реконструкцияси бўйича шартнома

Эрон ва Хитой Эроннинг Аракидаги оғир сувда ишловчи реакторни реконструкция қилишга илк шартномани имзолашди. Бу ҳақда «Синхуа» ахборот агентлиги хабар берди.



Шартномани имзолаш расмий маросими Венада бўлиб ўтди.

Оғир сув баъзи турдаги реакторларда нейтронлар секинлаштиргичи сифатида қўлланади. Оғир сувдаги реакторларда табиий урандан қурол плутонийси олиш мумкин. 2016 йилда Эрон реакторнинг оғир сув ишлатилиши керак бўлган асосий қисмини демонтаж қилганини билдирди.




Ҳиндистон

# 245 килограмм вазн ташлаган аёл

Дунёдаги энг оғир аёл, деб ҳисоблаб келинган мисрлик Имон Аҳмад Абдулатий ўз вазнининг деярли ярмини ташлай олди ва узоқ йиллардан бери илк марта ўтира олди. Аёлнинг вазн ташлагандан кейинги кўриниши видеосини «The Daily Mail» нашри намойиш қилди.

- «У бахтлироқ ва қоматлироқ кўринмоқда. У, ниҳоят, ногиронлар аравачасига ўтира олди ва ўзгаларнинг ёрдамисиз ўтиришни ўрганди. Ваҳоланки, 3 ой аввал бу ҳақда орзу ҳам қилиб бўлмасди», - деб айтишди аёлни даволаётган шифокорлар.



Аёл Мисрдан Ҳиндистондаги шифохонага олиб келинганда, вазни ярим тоннадан оғирроқ бўлган. 36 ёшли аёл ҳозир 245 килограммдан кўпроқ вазн ташлади ва озишда давом этмоқда.

Аёл ортиқча вазнни жиддий касалликлар сабабли орттириб олган. У болалигидан фил касаллиги ва безларнинг яхши ишламаслигидан азият чекиб келган. Бундан ташқари, у инсултни бошдан кечирган ва 25 ёшида ётиб қолган.

2017 йил февралда аёлга мумбайлик шифокор Муффазал Лакдавала ёрдам беришга тайёрлигини билдирган. Имон Мумбайга махсус жиҳозланган самолётда келтирилган. Март ойида унда ошқозонни дастлабки ўлчамидан 15 фоизга кичрайтириш бўйича операция ўтказилган ва бир қисм ёғ олиб ташланган.

Венесуэла

# *Ақл бовар қилмас даражадаги инфляция*

Венесуэлада инфляция (пул қадрсизланиши) даражаси кейинги йилда 2000 фоиздан ошиб кетиши мумкин. Бу ҳақда «CNN Money» Халқаро валюта жамғармаси прогнозига асосан хабар берди.

Аниқлик киритилишича, 2017 йил мамлакатда инфляция даражаси 720 фоизга етади, кейинги йилда эса, 2000 фоизгача чиқиши мумкин.

Россия

# Энг бой тадбиркорлар

«Forbes» журналининг Россия нашри 2017 йилнинг 20 апрел куни Россиянинг энг бадавлат тадбиркорлари ҳар йилги рейтингини эълон қилди.

Рўйхатда газ, нефт-кимё соҳаларида фаолият олиб борувчи Леонид Михелсон кетма-кет иккинчи йил биринчи ўринни эгаллади. Унинг бойлиги 18,4 миллиард долларга баҳоланди. Иккинчи поғонада қора металлургия, машинасозлик ва туризм билан шуғулланувчи Алексей Мордашов 17,5 миллиард доллар билан қайд этилган бўлса, кучли учликка асосий фаолияти металлургия ва транспортга боғлиқ бўлган Владимир Лисин 16,1 миллиард доллар маблағ билан якун ясаб берди.



Асли келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган россиялик тадбиркор Алишер Усмонов рейтингнинг бешинчи ўрнидан жой олди. Усмонов ўтган йилги рўйхат билан солиштирганда, 2 поғонага пастлади. Унинг давлати 15,2 миллиард долларга баҳоланди. Ундан кейинги ўринда эса, «Лукойл» компаниясининг 23 фоиз акциялари эгаси Вагит Алекперов 14,5 миллиард доллар билан эгаллади. Нефт соҳаси билан боғлиқ яна бир миллиардер Михаил Фридман эса, бирданига беш ўринга тушиб кетиб, 7 поғонада қайд этилди – 14,4 миллиард доллар.

Версия

# Нуфузли 100 киши рейтинги

«Time» журнали дунёнинг энг нуфузли 100 кишиси рейтингини тақдим этди. Журнал рўйхатни бир неча туркумга ажратди - "Титанлар", "Новаторлар", "Санъат арбоблари", "Етакчилар" ва "Кумирлар".



"Етакчилар" қаторида Россия Президенти Владимир Путин, АҚШ Президенти Доналд Трамп, Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ин, Филиппин Президенти Родриго Дутерте, Туркия раҳбари Режеп Тайип Эрдоған, Колумбия Президенти Хуан Мануэл Сантос, «WikiLeaks» портали асосчиси Жулиан Ассанж, ХХР раиси Си Цзинпин, «Microsoft» компанияси асосчиси Билл Гейтснинг аёли Мелинда Гейтс, Рим папаси Франциск, Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэй, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди, Эрон генерали Қосим Сулаймон, Оқ уй маъмурияти раҳбари Райнс Прибус, АҚШ Президентининг стратегик масалалар бўйича маслаҳатчиси Стивен Бэннон, Америка сенатидаги демократлар етакчиси Чак Шумер, Пентагон раҳбари Жеймс Мэттис, Федерал разведка хизмати директори Жеймс Коми ва бошқа сиёсатчилар номлари қайд этилган.

«Time» "Титанлар" рўйхатига ишбилармонлар Дэниэл Эк ва Эван Шпигел, Америка Федерал резерв тизими раҳбари Жаннет Йеллен, баскетболчи Леброн Жеймс ва «Amazon.com» онлайн-дўкони асосчиси Жефф Безос кабиларни киритган.

"Новаторлар" туркумидан АҚШ Президентининг қизи Иванка Трамп ва унинг турмуш ўртоғи Жаред Кушнер, америкалик актриса Констанс Ву ва бошқалар ўрин олган.

Ямайка

# Ер юзидаги энг кекса инсон

15 апрел куни Ер юзининг энг кекса инсони италиялик Эмма Моран вафот этгани ҳақида хабар қилинган эди. У 3 асрни кўрган инсон ҳисобланар эди. Шундан сўнг, Ямайка Бош вазири Эндрю Холнесс (Andrew Holness) «Twitter» саҳифаси орқали Браунни рекорд билан табриклаган.



- «Мораннинг вафотидан сўнг, испаниялик 115 ёшли Ана Вела Европанинг энг кекса фуқароси бўлди», - деб ёзади «El Pais» газетаси. Энг кекса европалик эркак сифатида 112 ёшли Фрасиско Нунес Оливера ҳисобланмоқда. У ҳам Испанияда истиқомат қилади. Дунёнинг энг кўп умр кўраётган эркак кишиси 1903 йилда туғилган Исраэл Кришталдир.

Дунёнинг энг кекса инсони сифатида Ямайканинг 117 ёшли фуқароси Вайолет Мосс Браун (Violet Mosse Brown) тан олинди. Бу ҳақда «Metro» нашри ёзди.

Браун 1900 йил 10 март куни Ямайканинг Трелони районида дунёга келган.

2010 йили аёл маҳаллий газеталардан бирига интервю берган. Кекса аёл чўчқа ва товуқ гўшти истеъмол қилмаслигини ҳамда ичкилик ичмаслигини айтган. - «Биласизми, баъзан мен ўзимдан сўрайман: наҳотки, мен 110 ёшдаман? - деган ўшанда аёл. - Чунки, мен ўзимни 110 ёшдек сезмайман».

Туркия

# Авиакомпаниянинг хайрли режаси

«Turkish Airlines» («THY») авиакомпанияси ўз самолёти бортида туғилган Франция фуқароси Хадича Нафийнинг келгусида таълим олиши ва ишга жойлашишида ёрдам беради. Бу ҳақда «Анадолу» агентлиги хабар берди.

Қизча «Конакри (Гвинея) - Уагадугу (Буркина-Фасо) - Истанбул (Турция)» рейсида дунёга келган.



«Turkish Airlines» бошқаруви раҳбари Илкер Айжи гвинеялик қизчанинг онаси Диаби Нафий ва Хадича ўзларини яхши ҳис қилаётганликларини маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, авиакомпания қизчанинг келгусидаги ҳаётида иштирок этади.

- «Бу қизча «Turkish Airlines» бортида туғилди ва шу боис биз Хадичанинг таълим олиши ҳамда ишга жойлашишида ўз ҳиссамизни қўшамиз. Умид қиламизки, у келгусида бизнинг жамоамизга қўшилади ва «Turkish Airlines»да карера қуради», - деди Айжи.

Манбанинг билдиришича, «THY» қизчанинг оиласи унинг Туркия фуқароси бўлишини истаган тақдирдагина ёрдам кўрсатади.

Апрел ойи бошида Франция фуқароси бўлган аёлнинг самолёт бортида тўлғоғи тутиб қолган. Махсус тайёргарликдан ўтган «Turkish Airlines» борт кузатувчилари боланинг дунёга келишига ёрдам беришган.

Иқтисодиёт

# Жаҳонда алюминий захираси камаймоқда

Лондон металлар биржаси («LME») томонидан кузатиб борилувчи алюминийнинг омборлардаги захиралари бир кун ичида 1,9 фоизга, яъни 1,71 миллион тоннагача камайиб кетди. Бундан биржанинг 19 апрелда чоп этган маълумотлари дарак беради. Ушбу камайиш суръатлари 1995 йилдан бери, яъни 22 йил ичида энг максимал кўринишда бўлди.

Алюминий захиралари кетма-кет 35-кун қисқармоқда ва 2008 йилдан бери минимум қийматга етган. Ушбу металл захиралари Осиё давлатларида жадал камаймоқда.



Ишлаб чиқарувчилар алюминий етказиб беришни камайтираётган бир пайтда унга талаб ошмоқда.

18 апрелда Хитой ишлаб чиқариш қувватлари ва электр энергия истеъмолини чеклашга ҳамда экологик ҳолатнинг яхшиланишига қаратилган 2015 йилда қабул қилинган қоидалар бузилиши сабабли, баъзи алюминий лойиҳаларини тўхтатишга қарор қилган.

19 апрелда алюминий нархи 0,8 фоизга ошган ва 1 тоннаси учун 1907 долларни ташкил қилди. Йил бошидан бу металл 13 фоизга қимматлашган ҳамда рангли металлар ўртасида бу борада етакчи бўлди.

Мексика

# Мамлакатлар ўртасидаги девор қиймати

АҚШ-Мексика чегарасида девор қурилиши қиймати тахминан 66,9 миллиард долларни ташкил қилади. Бу ҳақда АҚШ конгрессининг Миллий хавфсизлик ва ҳукумат идоралари қўмитасига кирувчи демократ сенаторлар ёрдамчилари томонидан тузилган ҳисоботда айтилган. Айнан шу қўмита девор қурилиши лойиҳасини назорат қилади.

- «Ҳар бир милга (1,6 километр) 36,6 миллион доллардан кетиши ҳисобга олинса, узунлиги 1827 мил (2940 километр) бўлган девор нархи 66,9 миллиард доллардан ошади. Шу тариқа, АҚШдаги ҳар бир эркак, аёл ва бола девор қурилиши учун 200 доллардан кўпроқ тўлайди», - деб айтилган ҳисоботда.

Шу билан бирга, Демократик партия ҳисоб-китобларига кўра, деворни таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатишга ҳар йили 150 миллион доллар сарфланиши мумкин. Ҳисобот муаллифларининг фикрича, лойиҳа девор ўтадиган хусусий ерларни харид қилиш бўйича кўп йиллик суд тортишувларига олиб келади.

АҚШ Президенти Доналд Трамп 25 январда Мексика билан чегарада девор қурилиши ҳақида фармонни имзолаган ва унинг амалга оширилиши дарҳол бошланишини айтган. Трампнинг айтишича, девор баландлиги 15 метрга яқин бўлиши лозим ва унинг қурилишига 10-12 миллиард доллар сарфланади.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

*Муҳиддин ХОЖАЗОД, Тожикистон Халқ ёзувчиси.*

# ОЯ...

## «Болалик ва ёшлик айёмидан бир неча ҳикоя» туркумидан



У пайтлар беш ёшлик бола кўзига ҳамма нарса сариқ тусда кўринарди. Осмон сариқ, ер сариқ, одамлар сариқ, хутор коменданти аскарлари билан бирга сариқ. Фақат бошига қора рўмол ўраган онасигина кўзига оппоқ кўринарди. Теварак совуқ, одамлар ундан-да совуқ, комендант ҳаммадан ҳам совуқроқ кўринарди. Фақатгина унинг қўлидан қаттиқ ушлаб олган онасининг қўлигина иссиқ эди, холос.

У хуторда яшаётган, кўзлари уйқуга тўймаган, уйқуси очилмаган одамларни тонг саҳарлаб совуқ уйларидан нега ташқарига чиқаришганини тушуниб етмаётганди. Устида битта кўйлак, қорни оч одамлар совуқда қалтираб туришарди. Фақат болаларнинггина эмас, катталарнинг йиғиси ҳам гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда баландлашарди.

Комендант ёрдамчиси рус тилини чайнаб-чайнаб йиғилганларнинг ном-насабини ўқир ва шу заҳоти исми янграган эркак ё аёлни олдинга ўтишга ундарди. Олдинга ўтаётганлар билан бирга келган болалар, қартайган чол-кампирлар яқинлари ортидан интилардилар. Комендантнинг топшириғига кўра, икки немис аскари уларни бир-бирларидан айиришар, икки томонга тўплашарди.

Кошифнинг онаси номини тилга олишганда, у аясининг қўлини қўйвормасдан туриб олди. Икки немис аскари боланинг қўлидан юлқилагандайин тортишар, Кошиф эса, онасининг қўлига янада қаттиқроқ ёпишарди.

- Оя-я-я, - Кошиф овози борича додлади.

Унинг овози жонни ўртагудек эди. Бу комендантга ҳам таъсир этдими, у боланинг сўзини масхаралагандайин такрорлади:

- Оя.

Худди бу сўзнинг немис тилида ҳам маъноси бор каби немис аскарлари она-боланинг қўлларини қўйворишди.

- О-я-я, дегани нима? – комендант ўзига хизмат қилаётган рус таржимондан сўради.

Таржимон елка қисди. Одамлар орасидан чиққан ёши бир ерга етган қария сўз қотди:

- Улар… биз тожиклармиз. Бизнинг тилимизда «оя» она дегани…

Комендант Кошиф ва онасига яқинроқ борди.

- Сенда нечта боланг бор?

Аёл жавоб берди:

- Ўнта болам бор эди. Ҳаммаси бирин-кетин вафот этди. Бу - энг охиргиси.

- Улар бу ерга қаердан келиб қолишган? – комендант она-боладан хавотирли нигоҳини узмаётган ҳалиги қариядан сўради.

- Бизни… бу боланинг ота-онасини ҳам ўттизинчи йилларда ёт унсур, дея Ўрта Осиёдан шу томонларга сургун қилишган. Ўшандан буён биз бу ерда яшаб юрибмиз…

Комендант Кошиф томон юз бурди ва яна бир марта такрорлади:

- Оя-я, - у шундай дея болага икки дона печене узатди.

Қорни оч Кошиф печенелардан бирини дарҳол оғзига солаётганди онасининг ҳайқиргандайин овози тўхтатди:

- Нахур!

Кошиф печенени лабларидан узоқлаштирди.

- Нахур! – такрорлади комендант. – Бу нима дегани?

Яна ҳалиги қария сўз маъносини русчасига тушунтириб берди:

- У ема, деди.

Комендант Кошифнинг онасидан сўради:

- Нега наху-ур?

Она битта печенени оғзига солиб кўрди ва хотиржам бўлди, шекилли, ўғлига «хур», е, деди.

- Оя, - деди комендант, - сен унга мени заҳар берди, деб ўйладингми?

- Болаларимнинг кўпини заҳарлаб ўлдиришган, - деди аёл тожик тилида.

- У нима деди? – комендант қариядан сўради.

Қария аёлнинг сўзларини немисчага таржима қилди.

- Оя-я, - деди комендант икки аскарига.

Улар Кошиф ва онасини одамлар орасидан четга чиқаришди ва уйларига кетишга ижозат беришди. Ана шундай қилиб, она-бола икков узоқ Олмонияга ҳайдаб кетишларидан қутулиб қолишди.

*Тожик тилидан Ўринбой Усмон таржимаси.*

***ТАРЖИМОНДАН:** Тожикистон Халқ ёзувчиси Муҳиддин Хожазод Россиянинг Ставропол ўлкасида тугилган ва болалиги ҳам, асосан, у ерда ўтган. Унинг отаси Хўжанднинг таниқли уламоларидан бўлган, мударрис Олимхон Махдумни ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охирида Ставрополга сургун қилишган. У ва у каби ўз шаҳар-қишлогидан бадарга қилинган минг-минглаб инсонларнинг айби битта – саводли ё ишбилармон эдилар…*

***Адибнинг огир кечган болалик йиллари Ставропол ўлкасига немислар бостириб кирганда янада қийинлашди. Унинг «Болалик ва ёшлик айёмидан бир неча ҳикоя» туркумига кирган ҳикоялари ўша бегубор, лекин машаққатли боланикнинг сира ўчмас хотиралари сифатида дунёга келган.***

**Ҳангома деб, ўйламанг!**

# ТУҒИЛГАН КУНЛАРИМ

## ёки «бриллиант оёқ»



Аввало, айтиб қўяй. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен қуйидаги гапларни кимнидир қизиқтириш учун ўйлаб топганим йўқ. Агар гапимга ишонган бўлсангиз, бошладим.

Биласизми, мен нимани яхши кўраман? Байрамларни ва туғилган кунни. Сиз ҳам яхши билсангиз керак, шу кунлари одам фақат яхши сўзлар, табриклар эшитади. Совғаларни айтмайсизми, совғаларни! Мен учун совғанинг катта-кичиги йўқ, оддий ручками, дафтарчами, хурсанд бўлавераман. Негаки, бу совғаларга меҳрни ҳам қўшиб беришади-да! Ҳа, яна бир гап: одамлар бир йилда бир марта туғилса, мен тўрт марта туғилганман. Ишонмайсизми? Майли, аввал бир эшитиб кўринг!

Бошланғич синфларда ўқиб юрганимда 22 апрелда туғилган кунимни нишонлардим. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамни ҳижжалаб ўқиб билганман. Битта рақам эсимда қолган. Бу кун Шўролар даврида жуда тарихий кун ҳисобланарди. Чунки ўша пайтдаги доҳиймиз Ленин ҳам худди ўша кунда туғилганди. Синфдошларимнинг менга ҳаваслари келарди. Мактабни битираётганимда гувоҳномани ўқиб кўрсам, аслида 22 апрелда менга метрика, яъни гувоҳнома ёзишган экан.

Олий ўқув юртини битириб, эндигина мактабда иш бошлаган йилларим. Мени 5-«а» синфига раҳбар этиб тайинлашди. Болалар жуда шўх эди. Бошланғич синф ўқитувчиси уларни эркалаб ўргатиб қўйган эканми, ҳечам гапни тушунишмайди. Синфга кирганим заҳоти атрофимга тўпланиб, қий-чувлашишади. Пўписа қилгандай бўлсам, бир зумгина жим ўтиришади-да, яна атрофимга йиғилишади. Тарбиявий соат ўтмоқчи бўлсам, бир-бирининг айбини айтиб, чақимчилик қилишади. Сочи ўсиб кетган болаларга пўписа қилсам, қизчалар ўнта қайчини ўнглаб, ҳалиги болани ушлаб келтиришади. Уларни «рамка»га солгунча анча қийналдим. Худога шукур, аста-аста ҳаммаси жойига тушди. Энди ҳар ҳафтанинг шанба куни болаларнинг ўзи тарбиявий соатга тайёрланиб келишади, прогулчилар билан иш олиб боришади, ким кўп баҳо оларга мусобақа ўйнашади. Фақат, шу шўхликлари тийилмаяпти-да!

Хуллас, биринчи апрел куни дарсга кирдим. Болалар билан ҳазиллашмоқчи бўлиб, «болажонлар, мени бугун хафа қилманглар, чунки менинг туғилган куним!»-деб қўйдим. Дарс кўнгилдагидай ўтди. Ўқувчилар барча топшириқларни яхшигина бажаришди. Қўнғироқ чалиниб, улар хайрлашишни ҳам насия қилиб, ташқарига отилиб чиқиб кетишди. Бир маҳал иккинчи соатда бирин-кетин мени чақириб кела бошлашди. Бирининг қўлида қоғоз гул, биттасининг қўлида рўмолча, яна бири откриткага нимадир ёзган, мени туғилган куним билан табриклашяпти. Менинг ҳазилимга улар чиппачин ишонишибди. Болаларнинг меҳр ва самимиятга тўла кўзларига боқиб, «мен биринчи апрел билан ҳазиллашгандим», – дея олмадим. Шундан буён ўша ўқувчиларим мени ҳалиям биринчи апрелда табриклашади.

Ҳаётимда яна бир марта дунёга келиш насиб қилган экан, уни 12 феврал, деб белгиладим. Чкалов, айтгандай ҳозирги Бўстон шаҳрининг 1-май кўчасида яшардим. 80-маршрутка кўчанинг нариги томонидан келарди. Ишдан қайтишимда доим ўша йўлдан келардим. Бундан ўн йилча илгари ишхоналарда ҳали технология ривожланмаган пайтлар эди. Газета саҳифаларини боғлаш жуда қийин эди. Шу сабабли, газета кунларида доим кеч қолардик. Кунлар қисқа, дарров қоронғи тушарди. Ўша куни ҳам ишдан кеч қайтдим. Қаттиқ шамол эсарди. Маршруткадан тушиб, энди йўлнинг бу четига ўтувдим ҳамки, бир катта дарахт қарсиллаб устимга қулади. «Вой онажooон!»-деганимча турган жойимда қолдим. Худонинг қудрати билан дарахтнинг икки шохи орасига тушиб қолибман. Агар бошимга тушса ёки бир шохчасиям бир еримни тилиб кетса, нима бўларди? Аллақачон, ердан кўкариб чиққан бўлардим. Ўзимни ўнглаб олгунимча, икки нафар йигит югуриб келиб, мени дарахтлар орасидан олиб чиқишди. Уйимгача кузатиб қўйишди. Эртасигаёқ, бир эчкини сўйиб, худойи қилиб бердим. Шундан буён бу кунни ҳам нишонлайдиган бўлдим.

Энг сўнгги туғилган куним– 13 июн. Ўша куни мен жуда катта жарроҳлик амалиётини бошдан кечирганман. Нақ 7 минг долларлик тилламиди, бриллиантми, ишқилиб, қимматбаҳо металлни оёғимга «улашган». Турмуш ўртоғим ҳазиллашиб: -«Хотин, ўзингданам оёғинг қиммат, эҳтиёт бўл, ҳаммага айтаверма, яна ўғрилар билиб қолиб, оёғингни синдириб, олиб кетишмасин», - деб қўядилар. Хуллас, бир йилда тўрт марта туғилиб, тўрт гуруҳдаги гапчиларимни чақириб, зиёфат бериб, совғалар оламан. Ҳақиқий туғилган кунимни эса, ҳеч кимга айтмайман.

*БИХАЛИЧА,*
*Бобожон Ғафуров ноҳияси.*




# ГАРОВ

*Ҳажвия*

Рихсивой эрта уйланишга шошмадими ё ўзига мос қизни учратмадими, ҳар қалай ўз тенгдошларидан кейинроқ уйланди. Қайси синфдоши ёки тенгдош дўсти уйланса, «қамишдан бел боғлаб», хизмат қилар, тўйда сўз олиб, табрик орасида «келиннинг қармоғига илинмай, дўсту жўраларни унутиб қолдирмаслигини» қистириб ўтар, тўйдан сўнг эса, янги куёвни мазах қилиб: -«Ҳа, аҳволинг шу экан-ку, аллақачон, келин бурнингдан ип ўтказиб олибди, уйдан ҳам чиқолмай қолдинг», -дея танбеҳ берган бўларди. Бир куни шундай ҳазил-ҳузуллар пайти синфдоши, сиркаси сув кўтармайдиган Одилнинг феъли айниб, уни ҳам бир чўқиди:

- Ҳей, донишманду дода дарвеш, тилим бор деб, кўп ҳам вақиллайверма, ҳали уйлангин-чи, кўрамиз ҳолингни, «мақтанма ғоз, ҳунаринг оз», уйлангач, биз билан ошхўрлик қила оласанми, йўқми?

- Нималар деяпсан, тўй ўтгач, эртасига келиб, сизлар билан чойхонада улфатчилик қилмасам, бир бош қўй мендан, – деб юборди, кўкрак кериб Рихсивой..

Сергак синфдошлар эса, бу ваъдани дарҳол тасдиқлатиб олишди.

Орадан маълум вақт ўтиб, Рихсивой ҳам уйланди. Тўй жуда яхши ўтди. Албатта, ҳазилкаш дўстлар тўй охирида куёвни чимилдиққа киритишаётиб, Рихсивойнинг «ваъда»сини яна бир бор эслатишиб, сўнг уйларига тарқалишди. Рихсивой ҳам гаров шартига кўра эрталаб чойхонада ҳозир бўлишга ваъда берди.

Эрталаб Рихсивой келинчакка қандайдир баҳона топиб ташқарига чиқди-да, уйидагилар кўзини шамғалат қилиб, ваъдага мувофиқ улфатлари даврасига ошиқаётган пайтда ҳовлида пайдо бўлган отаси Рустам ака уни тўхтатди:

- Ҳа, куёв бола, йўл бўлсин? Ҳали кўздан уйқу учмай, қуёш борлиқни қучмай, қаерга йўл олдингиз?

У отасининг феълини яхши билади, сизлашга ўтдими, ортиқча гапга ўрин йўқ.

- Ҳалиги, ҳалиги… синфдошлар кутишаётганди… чойхонада. Шундай бораману келаман, шартлашган…, э йўғ- э, келишгандик.

- Сен болани ақлинг жойидами? Ҳали чиллаликсан, чарлар ўтмай ҳеч қаёққа бормайсан, уйга кир. Келишганмиш-а, гаров ўйнаганман, деб қўя қол! – ота пўнғиллаганча ҳовли тўридаги қўйхона томонга йўналди.

Отасининг гап оҳангидан Рихсивой оғайниларининг кеча тўйдан кейинги гапларидан бир нарсани сезганини пайқади. Ноилож қайтиб келинчакнинг хонасига равона бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу орада чарлар ва расм-русумлар бажарилиб, энди Рихсивой учун қўйилган «чегаралар» олиб ташланган, кундуз куни ташқарига чиқиш учун рухсат бўлганди. Ҳовлига чиқиб, синфдошларга қандай рўпара бўлишни ўйлаб боши қотиб турган маҳал уни истеҳзоли табассум билан кутиб олган отаси салом-аликдан сўнг ўғлига шундай деди:



- Энди, куёв бола, эр кишининг сўзи битта бўлади, гаровда ютқаздингми, тўлаш керак. Ана, қўйхонадаги қўйлардан семизроғини машина юкхонасига ортгин-да, тезда бориб, дўстларинг билан «орани очиқ» қилиб кел. Бундан буён ҳар бир айтадиган гапингни ўйлаб гапирадиган бўласан.

Рихсивой гарангсиб турганди, отаси қатъийроқ гап қилди:

- Ана машина, калити жойида.

У шундай деди-да, «гап тамом», дегандек ўғлининг кўзига бир бор тикилиб қарагач, уйга кириб кетди.

Бироз саросималаниб турган Рихсивой иккилана-иккилана қўйхонадаги тўёнага келган қўйлардан бирини машина юкхонасига жойлаб, «ваъдага вафо қилиш» учун қўл берган синфдоши Одилнинг уйига равона бўлди.

Ўша куни синфдошлар қишлоқ марказидаги чойхонани «гуллатишганига» шубҳа йўқ. Аммо еган зиёфати Рихсивойга татидими, йўқми, бизга қоронғи. Лекин бир нарса аниқ: бундан буён Рихсивой ҳар бир гапини ўйлаб, сўнг айтадиган бўлди.

*Давлатёр ҚЎЧҚОРОВ,*
*Конибодом.*

# БУ АЖИБ ДУНЁ

### 60 МИНГ ЕВРОЛИК МУШУК

Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтказилган кўргазмада дунёдаги энг қимматбаҳо мушукнинг атрофи томошабинлардан бўшамади. Лекин уни сотиб олишга кўпчиликнинг юраги бетламади. Тўғрироғи, ҳамёни кўтармади. Саванна лақабли бу зотли мушукнинг нархи ўзиям ҳов осмонларда! Қанча дейсизми? 47 минг евродан 60 минг еврогача! Айтгандай, Саванна уй мушуги ва Африка ёввойи мушуги чатишувидан пайдо бўлган экан.

### МАШҲУР ИГЛЕСИАС «РЕАЛ»ДА ЎЙНАГАН

Машҳур қўшиқчи Хулио Иглесиас ёшлигида Мадриднинг «Реал» клубида тўп сурган. Лекин 20 ёшлигида у автомобил фалокатига дучор бўлган. Озмунча эмас – уч йилгача шифохонада даволанган. У деярли ҳаракатдан қолган, фақат бармоқларинигина қимирлата олган. Иродаси кучли йигит шу ётишда мусиқа асбоби чалишни ўргана бошлаган. Шу тариқа Хулио Иглесиас жаҳоннинг энг машҳур санъаткорларидан бирига айланган.

### ҚИЗИҚИШИНГИЗ ТУРГАН ГАП

Футбол миллион-миллионларнинг севимли ўйинидир. Қуйидаги воқеа-ҳодисалар, тарихчалар фақат футбол ишқибозларинингина эмас, балки бошқа инсонларни ҳам қизиқтиришига ишонамиз.

### ОСМОНДАН ТУШГАН ЁРДАМ

Бразилия футбол майдонларида қаттиқ кураш давом этиб турган бир пайтда эсган кучли шамол рақиб команда ҳужумчисига ёрдам берган. Қарши команда дарвозабони ҳужумчи тепган тўпни ушлаётган пайтда устига шамол учириб келган парашютчи қулаб тушган. Натижада, тўп дарвоза тўрига тушган. Ҳакам бу голни ҳисоблаган. Унингча осмон кучларидан гол урган команда ёрдам сўрамаган.



### УЧ КЕЧА-КУНДУЗ ДАВОМ ЭТГАН ЎЙИН

Ҳозиргача футбол тарихида қайд қилинган энг узун ўйин Ирландияда бўлиб ўтган. Ирландиянинг икки футбол клуби ғолибни аниқлаш учун салкам уч кеча-кундуз тўп суришган. Лекин 1981 йилнинг 1 августидан 3 августигача давом этган 66 соатга чўзилган бу ўйинда барибир ғолиб аниқланмаган.




*Суғдлик ижодкорлар тез-тез китобхонлар билан учрашувлар ўтказиб туришади. Таниқли шоирлар Султонмурод Ҳожибоев ва Шариф Нуриддин аштлик китобхонлар билан.*

# Хайрият, дунёда аёллар бордир...

### ХОТИН

**Саҳардан қимирлар тўхтовсиз хотин,**
**Саҳарлаб турмаса, битмайди иши.**
**Бошқалардай ширин ухлашлар қайда,**
**Тонгдан бошланади минг бир ташвиши.**
**«Турсангиз-чи», дея, эрин уйғотар.**
**«Э…, ҳозир, намунча чирқилладинг», деб,**
**Эр яна хуррагин давомин отар.**
**Ялиниб-ёлвориб, уйғотиб зўрға,**
**Бир-бир кийинтирар ўғилни-қизни.**
**Хайрият, дунёда аёллар бордир,**
**Ғафлат уйқусидан уйғотар бизни…**



### «ШОИР»

**Бобосининг кўзойнагин,**
**Тақиб олган Шуҳрат дер:**
**- Халал берманг, шоир бўлиб,**
**Ёзаяпман, ахир, шеър.**

### БАЪЗАН

**Табиат гултожимиз,**
**Фахрлансак ҳақлимиз.**
**Кашфиёт, ихтиролар,**
**Яратади ақлимиз.**

**Одобу ахлоқда ҳам,**
**Баландларда турамиз.**
**Лекин баъзан итларни,**
**Уриштириб юрамиз…**

*Султонмурод ҲОЖИБОЕВ,*
*Истаравшан шаҳри.*

*Саҳифа масъули Ўринбой УСМОН*




Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.

## Қуръони Каримнинг Миллий кутубхонадаги нусхалари

**САВОЛ:**

- Тожикистон Миллий кутубхонасида Қуръони Каримнинг олтин билан ёзилган нусхаси сақланади, деб эшитдик. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

*Ҳурмат билан Х. Ёрбобоев, Темурмалик ноҳияси.*

**ЖАВОБ:**

- Тожикистон Миллий кутубхонаси матбуот хизматидан хабар берилишича, айни пайтда бу ерда муқаддас Қуръони Каримнинг 15 дона қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Улардан ҳар бири ўз ёзилиш тарихи ва махсус безакларига эга.

Манбанинг маълум қилишича, яқинда Миллий кутубхонада муқаддас Қуръони Карим китобининг XVI асрга тегишли нусхаси намойишга қўйилди. Мазкур китобнинг аввалги ва охирги икки саҳифалари тилла суви билан ёзилган.

Афсуски, мазкур нусхада қўлёзма муаллифи ва ёзилган санаси аниқ кўрсатилмаган. Ёзилиш услубига кўра, мазкур китоб XVI асрга тегишли, деб тахмин қилиш мумкин.

Муқаддас Қуръони Каримнинг мазкур нусхаси 570 саҳифадан иборат.

*ОАВ материалидан фойдаланилди.*

# Нафосат шайдоси



***Оташнафас шоирлар орасида ўз сўзи, созӣ, ёқимли овозига эга бўлган Холмурод Саттор номи чорак асрдан буён назм мухлисларига танишдир.***

***Хуросон ноҳиясининг Ўразбой қишлоғида дунёга келган Холмурод ёшлигидан гўзалликка маҳлиё, нафосат шайдоси эди. Халқимиз орасида қадимдан машҳур бўлган "Алпомиш", "Кунтуғмиш" сингари достонлар мутолаасидан олам-олам завқ олган бўлажак шоир ўз луғавий бойлигини орттириб борди. Она тилимизнинг жилоларига, латофатга бой жиҳатларини халқ фолклоридан ўрганди.***

***Ҳассос шоир Холмурод Саттор яқинда ўзининг муборак 63 ёшини қайд қилади. Биз унга шеърият ихлосмандлари номидан эзгу тилаклар билдирамиз, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодда янада юксак парвозлар тилаймиз.***

*"Халқ овози" таҳрир ҳайъати.*

### СОҒИНЧ

***Туманлар сузади мовий самода,***
***Дарахтлар кўринар элас ва элас.***
***Ҳарир парда ичра кўз тикар қуёш -***
***Йўқ, бу сен эмас.***

***Гиёҳлар бағрида ярқирар шабнам,***
***Қуёшга боқади, қалбида ҳавас.***
***Ҳижрон оташида ловуллар лола -***
***Йўқ, бу сен эмас.***

***Булбул хониш айлар гул бутоғида***
***Куйиб ёнишлари абасдур, абас.***
***Кимдир шеърларимга интиқ, интизор -***
***Йўқ, бу сен эмас.***

***Навниҳол тераклар кўз тутар йўлга,***
***Йўллар хомуш ётар, бирор сўз демас.***
***Ҳув ана, энмоқда қирдан бу сулув -***
***Йўқ, бу сен эмас...***



### ИЛТИЖО

***Қалбим ярасини тирнаманг зинҳор,***
***Ногоҳ қуламасин, нозик иморат.***
***Шоир қалби гўё омонат девор,***
***Шоирлар ҳаёти дарддан иборат.***
***Қалбим ярасини тирнаманг зинҳор.***
***Нурли тонгларимни тўсманг булутдек,***
***Улар ҳаётимда жуда ҳам камдир.***
***Шодлик онларим ҳам йўқ эмас, бироқ,***
***Унинг ҳам кўпроғи дард ила ғамдир.***
***Шоир сиздан кутмас сира ҳам эҳсон,***
***Майли, дардларимга бўлмангиз ҳамроз.***
***Фақат лоқайдлик-ла, сиздан илтимос,***
***Мажруҳ юрагимни этмангиз яксон,***
***Шоир сиздан кутмас сира ҳам эҳсон.***

### ҚУШЛАР

***Маломат тошларин отманг қушларга,***
***Улар Сайёранинг эрка фарзанди.***
***Тоб бера олмасдан совуқ қишларга,***
***Олис ўлкаларга солса арғамчи.***
***Яна баҳор келса, қайтажак шаксиз,***
***Тўлдириб юртимнинг осмонларини.***
***Йўқ, улар эмасдир Ватансиз, бахтсиз,***
***Чуғурлаб сўйламас армонларини.***
***Ватан сўзин қушлар англар теранроқ,***
***Одамзодга мудом омонлик тилар.***
***Сизу биздан, қаранг фарқли ўлароқ,***
***Она Сайёрани Ватан, деб билар.***
***Маломат тошларин отманг қушларга...***

### ВАТАН

***Сўз билан тасвирлай олмадим сени,***
***Қоришиб кетарман турфа рангингга.***
***Ватан, оғушингдан айирма мени,***
***Сингиб кетай, майли куй-оҳангингга.***
***Осмонингдек софу беғубор қалбим.***
***Тонгларингдек файзли, сурурли оппоқ,***
***Сойларингдек жўшқин, беқарор қалбим.***
***Руҳим парвоз этар шаббодаанг мисол.***
***Тортқилаб қирларда гиёҳ-гулларинг.***
***Ўйларимдек учқур, поёнсиз хаёл -***
***Илон изи, ёлғиз оёқ йўлларинг.***
***Иродам - бағрингда тошингдек метин,***
***Меҳрим - қуёшингдек нурли ва қайноқ.***
***Кўнгил юмшоқлигим мисли "оқ олтин",***
***Хоксорлигим эса, гўёки тупроқ.***
***Орзум - камалагинг каби ранго-ранг,***
***Ишқим - баҳорингдек сулув ва соҳир.***
***Сен боис, қўшиғим серавжу жаранг,***
***Имон, эътиқодим ўзингсан, ахир!***

*Холмурод САТТОР, Хуросон ноҳияси.*



## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

### *ЭЪТИБОР НАДОРАНД*

Сертификати ҳуқуқи истифодаи заминро бо истифодаи якумраи меросӣ дараҷаи А № 0146539, ки ба шаҳрванд Дамадов Умед тааллуқ дорад, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шиносномаи техникии гумшуда, ки онро КДФ БММҒМ-и н.Рудакӣ ба Гордеева Анна додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Соҳибкор Юлдошов Зариф, ки бо патент ва РЯМ 1030001583 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Лахш аз қайд гузашта буд,бо сабаби гумшудани патент фаъолияташро қатъ мекунад.

***

Соҳибкор Шомурзаева Ҳафиза Абдуллоевна, ки бо патент ва РЯМ 1030006854 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Лахш аз қайд гузашта буд, бо сабаби сухтани патент фаъолияташро қатъ мекунад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Юсупов Зафар, ки бо РЯМ 5330040779 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 10.04.2015 с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Ҳакимов Камолиддин Расулович, ки бо РЯМ 3330027617 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ҷ.Балхӣ 12.01.2012 с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Сертификати ҳуқуқи истифодаи замини наздиҳавлигии №0084604, ки он дар Кумитаи давлатии идораи замини н.Ёвон таҳти №58 ба қайд гирифта шуда ба Раҳимов Раҳим додааст,бо сабаби гумшуданаш аз эътибор соқит карда шавад.

***

Сертификати ҳуқуқи истифодаи замини наздиҳавлигии А-0548603, ки дар асоси қарори раиси н.Ёвон таҳти №1037 аз 15.07.2011 ба қайд гирифта шуда ба Қурбонов Музафар додааст,бо сабаби гумшуданаш аз эътибор соқит карда шавад.

***

Сертификати ҳуқуқии Мирзоев Сафарали Амонқулович , ки воқеъ дар д.Пахтакор,Ҷ/Д Ситораи Сурхи н.Ёвон мебошад ,бо сабаби сухтанаш аз эътибор соқит карда шавад.

*Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур мурожиат намуданатон лозим аст.*
*Тел: 2-38-55-70*

*«Халқ овози» газетаси турли хил эълонларни арзон ва қулай нархда ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этади. Бунинг учун сиз қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз лозим.*
*Тел: 2-38-55-70*

**Таниқли тадбиркор дўстимиз, маърифат фидойиси Раҳмонберди Мамасаидовга**

**ОНАСИнинг**

**оламдан ўтганлиги туфайли чуқур таъзия билдирамиз. Бу мусибатли кунларда дўстимиз ва қариндош-уруғларига Аллоҳдан сабру бардош тилаймиз. Яратган марҳуманинг охиратини обод айласин.**

*Бир гуруҳ ижодкор дўстлари.*

## Айтсам тилим куяр, айтмасам - дилим...

**Сизнинг юзингиздан чимматни олдик,**
**Иффат пардасини олганимиз йўқ...**

*А. ОРИПОВ.*

# Иффатни сақланг, қизларжон...

Кўплаб шоир ва ёзувчилар аёлларни таърифлаб, уларнинг шаънига чиройли сўзлар айтишган. Лекин ҳозирги кунда мақтовлару таърифлар айрим аёлларимизга ярашмай қоляпти, назаримда.

«Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!» Биргина шу таъриф барча аёлларга берилгандек, гўё.

Энди ўйлаб кўринг. Фақат нафс ва ҳою ҳавас ортидан қувиб юрган аёлларимиз ҳақида нима дейсиз? Балоғатга етган қизи ота-онасининг олдида тор футболка-ю, калта юбкани кийиб олиб, ярим яланғоч юришини мода ёки замона зайли деб ҳимоя қиладиган, қизлари иффатларини кўчаларда поймол қилиб келса, «меҳрибон» оналари қизларининг бу «хурмача қилиқларини» жарроҳлик ила ниқоблаб, сурбетлик билан: -Менинг қизим покиза, иффатли, - деб даъво қилиб, кимнидир алдаб, қизининг ҳаёти асосини аввал бошданоқ хиёнат пойдеворига қуриб берадиган аёлларни ҳам муқаддас санайсизми?

Баъзида фарзандлар оналарининг гапига парво ҳам қилмаётгани, менсимаётганига гувоҳ бўламиз. Хўш, бу фарзандларни ким дунёга келтириб, тарбия қилаяпти? Аёл...

Афсуски, аёлларимиз ёшларни аниқ ҳалокатга олиб борадиган гуноҳларини бугунги кунда арзимас хатолар, камчиликлар, деб эътибор қилишмоқда ёки мутлақо эътиборларидан ташқарида қолдиришмоқда. Ҳатто, баъзи гуноҳларга ёшлик қилибди, деган важ-карсон кўрсатилса, айрим номуссизлик, орсизларча қилинган гуноҳларга «севги-муҳаббат», деган либосни «кийдириб» қўймоқдалар.

Яна бир тоифа «муқаддас» аёллар ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Бу турдаги «бизнесмен» аёллар фоҳишалик йўли билан орттирилиб, туғилган чақалоғини тирноққа зор оилаларга мўмайгина пуллаб, «тижорат»нинг янги усулини яратганлар.



Айрим хотин-қизларимизнинг онги шу даражада ривожландики, ҳатто, тарихда кузатилмаган уддабуронликлар рўй берди. Бу янгилик - қотилликнинг ўзгача шакли. Ношаръий орттирилган, ҳали туғилмаган болани шундай нобуд қиладиларки, гўёки, қор ёғиб, жиноят изи йўқолади. Яна ҳеч нарса бўлмагандек ...

Аксарият аёлларнинг кўча-куйда ва жамоат жойларида очиқ-сочиқ кийиниб юришлари тасаввурга ҳам сиғмайдиган ҳолатдир. Улар мана шундай ибосизликда кўчага чиқиш билан кишиларнинг ҳурматига сазовор бўламан, деб ўйлайдилар. Бундай аёлларга битта савол билан мурожаат қилмоқчиман: - Сиз, ҳурматларига сазовор бўламан, деб қандай кишиларни назарда тутаяпсиз?

Шу билан бирга «зўр нарса эканми», «фалон жойи писмадон» каби иззат нафсингизга тегадиган гаплардан ҳам бенасиб қолмайсиз. Агар шунга рози бўлсангиз, ўзингизнинг иззат нафсингизни қанчага баҳолаганингиз ҳақида ҳам ўйлаб кўринг!

Аёллар шифокори бўлган бир танишимнинг айтишича, бугунги кунда турмушга чиқаётган қизларнинг аксарияти тўйидан олдин келиб, «иффатли келин»лик тадбирини кўриб, жарроҳлик амалиётини қўллаб, ҳеч нарса кўрмаган «иболи қиз» бўлиб кетишмоқда эмиш. Ҳатто, мактаб ўқувчилари орасида ҳомиласини «аборт» қилдириш учун мурожаат қилаётганлар ҳам топилади.

Хўш, ўша тўйидан олдин бундай «тадбиркорлик» қилаётган қизлар ҳам аёл-ку! Келажакда фарзандлар онаси!.. Нима учун оналаримиз бундай нохушликларнинг олдини олишмайди?!.

Яна бир таниш шифокорнинг сўзларига кўра, эри оғир аҳволда жонлантириш бўлимига олиб келинган аёл турмуш ўртоғининг ҳол-аҳволи билан қизиқмай, аксинча, ўлганидан кейин, уй-жой кимга қолишини ўйларди. Ҳатто, эрининг синглиси билан шифохонада ҳар куни шу масала юзасидан жанжаллашишарди. Бечора касал билан ҳеч кимнинг иши йўқ...

Нафснинг қули бўлган бу аёл эрининг соғайиб кетиши ҳақида эмас, уй-жой эгаси бўлиш тўғрисида ўйлашини қандай тушунса бўлади?!.

Хотинининг орзу-ҳавасларини деб, қарзга ботган бир танишим юрак хасталигига чалинган бўлса-да, қарзларини бериш учун эрта-ю кеч тинмасдан ишларди. Оиласини жонидан ортиқ кўрадиган бу инсон ҳаёт ташвишлари билан юрганида, аёли фарзандларини шундай тарбияладики, улар отага нисбатан бефарқ бўлдилар. Устига-устак қарз берганлар пул сўраб келганда, у уйидан қочиб, қўшниларинникига беркинарди. Бировникида ярим тунгача қолиб кетса-да, на хотини ва на фарзандлари хабар олишмасди. Улар учун ота фақат қарз тўловчи «инсон» эди, холос.

Мана шулар ҳақида ўйласам, фақат битта савол хаёлимда чарх урavеради: -«Сен барибир муқаддасми, муқаддас аёл!?».

*Садоқат АБДУРАЗОҚОВА, «Халқ овози».*




**Ҳурматли билимдонлар!**

Газетамизнинг 20 мартда чоп этилган 12-сонидаги саволларга муштарийларимиз томонидан йўлланган SMS-жавобларнинг барчасига тўғри жавоб берилмаган. Эслатиб ўтамиз, саволларнинг барчасига тўлиқ ва мукаммал жавоб йўллаган газетхонларгина туҳфа соҳибига айланишлари мумкин.

**Энди эса, тўғри жавоблар билан танишинг:**

1. *Шаҳматда.*
2. *Вақтнинг энг катта ўғриси, бу дўстингиз экан. Дийдорлашгач, соатлаб, кунлаб вақтингиз улар билан суҳбатга кетади. Сенека: - Энг кўп вақт ўғрилари дўстларимиздир, - деган. Балки вақт дўстдан ҳам қадрлидир, демоқчи бўлган Сенека.*
3. *Бу ҳудудда қор бўрони жудаям кучли бўлганлиги сабабли, эшик ташқарисига қор уюлиб кетиши мумкин. Аксинча, томдан эса, қорни шамол учириб кетади. Шимолий қутбнинг Мирний, Северний посёлкаларида шундай уйлар бор экан.*
4. *Гап Клеопатра ҳақида кетмоқда.*
5. *Галилей туғилган кун буюк рассом Микеланджело ҳаётдан кўз юмади. 1642 йил Галилей вафот этади ва машҳур механик ва физик Исаак Нютон дунёга келади.*

**Ҳурматли муштарийлар! Саволлар газетамизда мунтазам бериб борилмоқда. Бир ой ичида тўғри жавоб йўллаб, туҳфамизни қўлга киритинг.**

**Тўғри жавобни 93-343-22-73 телефон рақамига ёки abdurazokova@bk.ru электрон почтасига SMS орқали юборишингиз мумкин. Жавоб йўллаш муддати - бир ой.**

**ХАЛҚ ОВОЗИ**
«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ.
Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.
«Голос народа» - на узбекском языке.
Издание Правительства Республики Таджикистан.
Учредитель:
Правительство Республики Таджикистан
Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир
Ёқубжон
АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.
Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. А. Саидов. (1-4 саҳ.)*
*2. З. Умаров. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: З. Умаров.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.
СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.
Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 26 апрел соат 16[00]
Тиражи 6107 нусха.
Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.